Гос. книжная палата УзССР

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 80 (19.156). ● 1985 йил 5 апрель, жума ● Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН

Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги тобора яқинлашмоқда. Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети бир қанча қарорлар қабул қилиб, бу қарорларда уруш қатнашчилари учун ва ҳалоқ бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун қўшимча имтиёзлар белгилади.

Мен ҳам фашист босқинчиларни тор-мор этишда иштирок этганман. Қўлимда жарроҳлик тиғи билан Украина шаҳар ва қишлоқлари, Белоруссия, Болтиқбўйи республикалари, Польша, Германия, Чехословакия тупроғини фашист босқинчилардан тозалашда қатнашдим.

Рафиқам Матлубахон билан 5 фарзандни вояга етказдик.

Биз бахтли ҳаёт кечирмоқдамиз. Советлар диёрида яшаётганимиздан беҳад мамнунмиз. Чунки мамлакатимизда инсон ҳар томонлама бахтли ҳаёт кечириши, севган касб-кори билан шуғулланиши учун кенг имконият яратилган. Пенсия ёшига етган бўлсам ҳам ҳамма билан баравар қадам ташлагим келади. Ахир, биз уруш иштирокчилари ҳақида партия ва ҳукуматимиз алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг яқинда эълон қилинган қарорида кўзда тутилган қўшимча имтиёзлар бунинг ёрқин далилидир.

Партиямизнинг доно сиёсати туфайли биз тинч осмон остида яшаяпмиз. Биз тортган уруш кулфатлари фарзандларимиз ва набираларимиз бошига ҳеч қачон тушмасин.

Акром АКБАРОВ,
Улуғ Ватан урушн иштирокчиси.
Тошкент шаҳри.

●

Мана қирқ йилдирки, юртимизда осойишталик. Ҳаётимиз фаровон, нолийдиган жойимиз йўқ. Ҳозирги бахтиёр кунларимиз учун, осмонимизнинг тинчлиги учун партия ва ҳукуматга миннатдорчилик изҳор қиламан.

Мен уруш инвалидиман. Ўша даҳшатли жангларни эслайман. Чунки ўша урушда олган жароҳатимнинг ҳали ҳам асорати бор. Аммо, атрофимда меҳр-оқибатли кишиларни кўраман, инсонга нисбатан буюк ғамхўрликни, давлатимиз мурувватини сезиб тураман.

Бугунги фаровон ҳаётимизни, Ватан меҳрини кўриб-сезиб туриб сафдошлар, қуролдошлар сиймоси кўз олдимга келади. Мен бугун партия ва ҳукуматимизнинг уруш қатнашчиларига ва, айниқса, Ватан уруши инвалидларига ғамхўрликни янада кучайтирганлигидан, Ватан урушининг вафот этган инвалидлари бевалари учун ҳам интиёзлар тайинланганлигидан миннатдор қалбимнинг тўридан жонажон партиямизга, ҳукуматимизга раҳмат айтаман.

Рўзимат УСМОНОВ,
Улуғ Ватан уруши инвалиди, Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози.

НОМЕРГА ТЕЛЕГРАММА

ТРАКТОР ЗАВОДИ УЧУН ЭНЕРГИЯ

Давлат комиссияси Тошкентдаги «Тракторная» подстанциясини фойдаланишга қабул қилди. 125 минг киловольт-амперли кучли трансформаторлар ва қарийб 8 километр узунликдаги электр линияси ишлай бошлади. Тошкент ГРЭСида ҳосил қилинган энергияни қабул қилиш, кучланишин пасайтириш ва заводга ток юбориш — бутун комплекснинг вазифасидир.

Ана шу подстанция ишга туширилиши биринчидан, Ўрта Осиёдаги энг катта машинасозлик корхоналаридан бирини электр энергия билан пухта таъминланишига имкон берди. Иккинчидан, юз от кучига эга бўлган тракторлар ишлаб чиқарадиган янги қувватлар барпо этилаётган заводни янада ривожлантириш учун энергетика базаси яратилди.

«Тракторная» подстанцияси планда белгиланган муддатида ишга туширилди. Подстанцияни «Средазэлектросетьстрой» трести ихтисослаштирилган қурилиш-монтаж бошқармасининг бригадалари қурди.

(ЎзТАГ).

ДАҚИҚАЛАР ҚАДРИ

В. И. Ленин меҳнат интизоми ва ғайрат-шижоатда ўрнак бўлишга даъват қилган эди. Доҳий васиятига содиқ совет кишилари экономика ва маданий қурилиш жабҳаларида катта бунёдкорлик ишларини муваффақиятли адо этмоқдалар. Ҳамма ерда партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун қизғин кураш боряпти. Меҳнат интизоми талабларига қатъий риоя қилинаётган жойларда тинч ва фаровон ҳаёт кечиришнинг муҳим шарти бўлган онгли, манфаатдорлик билан қилинган меҳнат самаралари тобора кўпаймоқда.

Бунёдкор меҳнатнинг ажойиб самаралари ҳақида «Совет Ўзбекистони»га жойлардан кўплаб хатлар келиб турибди. «Корхонамиз ишлаб чиқаришнинг иккинчи навбати ҳам фойдаланишга топширилди, — деб ёзади Ильич пайпоқ тўқув фабрикасининг ишчиси Рисолат Қодирова. — Бу билан корхона қуввати беш баравар ортди. Шунинги қувончлики, «Андижангидрострой» трестининг 5-бошқармаси азаматлари бу объектни белгиланганидан 1,5 баравар қисқа муддатда қуриб берди. Ҳ. Толипова, В. Михайлов, Ҳ. Мўйдинов каби ҳамкасбларим бугунги кунда ускуналардан тўла фойдаланиб, ҳар сменада нормадагига қараганда 150 тадан кўп пайпоқ тўқиб чиқаришяпти».

Кўриниб турибдики, ишчи ҳисоб-китоб қиляпти, объектнинг барвақт фойдаланишга топширилганидан қувонмоқда, смена давомида нормадан ташқари маҳсулот тайёрлаб чиқарилаётганини ифтихор билан таъкидлаяпти. Демак, у иш вақтидан ўринли фойдаланиш ҳақида ўйламоқда. Дарҳақиқат, азиз асримизнинг азиз онлари азиз одамлардан қадрин сўраб турибди. Вақтнинг қадрига етган кишилар ҳамиша улкан марраларни забт этганлар, нормаларни ортда қолдириб кетганлар, ўзлари ибрат кўрсатган ҳолда бошқаларни эргаштира билганлар.

Барча совет кишилари сингари республика меҳнаткашлари ҳам ўн биринчи беш йилликни зафарли якунлаш, партия XXVII съездини катта муваффақиятлар билан нишонлаш учун курош мусобақасини авж олдирмоқдалар. Бунда, энг аввало, нималарга эътибор бериш керак? Энг муҳими, йиллик планни эртароқ бажариш учун имконият ва резервлардан тўла фойдаланиш лозим. Йўл қўйилган қолоқликка барҳам бериш, кишиларнинг қилинган меҳнат натижаларидан баҳрамандлигини ошириш керак. Партия бугун бизни ана шу муҳим иқтисодий вазифани ҳал этишда ҳеч қандай сарф-харажат талаб қилмайдиган улкан резервдан — меҳнат интизомига қатъий амал қилиш резервидан фойдаланишга даъват этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил 11 мартда бўлиб ўтган навбатдан ташқари Пленуми партия, давлат, меҳнат интизомини қарор топтириш масалаларига алоҳида эътибор берди. Тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш, кадрлар қўнимсизлигини камайтириш, зое кетган иш вақтини пухта ҳисобга олишни ташкил этиш чоралари кўрилмаганлиги учун тегишли раҳбарлар асосий иш натижалари ҳамда социалистик мусобақа якунларига кўра мукофотлардан маҳрум этилишлари, интизомий жавобгарликка ёки қонунларда белгиланган бошқа жавобгарликка тортилишлари таъкидлаб ўтилди. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 1983 йилда «Социалистик меҳнат интизомини мустаҳкамлашга доир ишларни кучайтириш тўғрисида» қабул қилган қарорида: «Социалистик меҳнат интизоми — ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя қилишдангина иборат бўлиб қолмай, шу билан бирга ўз ишига нисбатан онгли ижодий муносабатда бўлишдан, ишнинг юксак сифатини таъминлашдан, иш вақтидан унумли фойдаланишдан ҳам иборатдир» дейилади.

Афсуски, иш вақтини қадрламаётган, унинг имкониятларидан тўла фойдаланмаётган корхона, ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Олға қараб боришимизда ҳар бир дақиқанинг ўзига хос тошу тарозиси бор. Ҳар бир дақиқанинг имкониятларига тўғри баҳо бермоқ учун доқал мана бу рақамларни сарҳисоб қилиб кўриш мумкин: республикамиз саноати ҳар минутда 4325 килограмм пахта толаси, 502 метр ип газлама, 197 метр шойи газлама ишлаб чиқармоқда. Минут сайин корхоналар конвейеридан 73 дона ички трикотаж буюмлар, 92 жуфт пайпоқ ва 52 жуфт пойабзал тушиб турибди. Шу минутлар бой берилгудек бўлса, уларнинг зарари қанча бўлишини мулоҳаза қилиб кўриш лозим.

Ишдаги камчиликларни бартараф қилиш ҳамон етарли даражада қатъий тус олмаган, бракчилар, планни бажармаётганлар, ишга кеч келиб, эрта кетувчиларга қарши кескин чоралар кўрилаётгани йўқ. Шунинг оқибатида дангасалар, прогулчилар ва учарлар кўпинча ялло қилиб юриб, иш ҳақи ва бошқа неъматлар жиҳатидан ҳалол ишлаётган ходимлар билан бир қаторда турибдилар. Бундай ҳолларга қарши курашда афкор омма кучидан, совет қонунларидан, интизомнинг таъсирли чораларидан суст фойдаланилмоқда. Айрим корхоналарда ускуналар қувватидан тўла фойдаланилмаяпти. Бунга Бухоро тўқимачилик комбинатининг Яккабоғ шаҳридаги сурп ишлаб чиқаришга ихтисослашган филиалини мисол қилиб келтириш мумкин. Бу ерда ускуналарнинг ярми ҳам иш билан тўла таъминланмаган. Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигининг айрим корхоналари вагонларга юк ортишни планлаштиришда чалкашликларга йўл қўймоқда. Натижада юк ортиш-туширши вақтида вагонлар нормадан ортиқ кўплаб бекор туриб қолмоқда.

Вазифа — иш вақти бекор ўтишининг ҳар қандай кўринишларига қарши кескин кураш олиб боришдан иборат. Маҳаллий партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари хўжалик органларига иш вақтидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда катта ёрдам беришлари лозим. Иш вақти — нақд бойлик. Унинг қадр-қимматига етиш, имкониятларидан тўла фойдаланиш социал-иқтисодий вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга беқиёс таъсир кўрсатишини унутмаслик керак.

Беш йиллигимиз тугашига саноқли ойлар қолмоқда. Бутун мамлакат партия XXVII съездини ҳамма соҳада юксак натижалар билан кутиб олишга шайланмоқда. Зафарларимиз салмоғини оширишда иш вақти, унинг имкониятлари ва афзалликларидан тўла фойдаланиш муҳим роль ўйнайди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг меҳнаткашлар халқаро байрами — 1 Май Чақириқларини тасдиқлади.

Мажлисда КПСС XXVII съездига тайёргарликни авж олдириш, экономикамиз самарадорлигини ошириш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, интизомни мустаҳкамлаш, социализмга ёт ҳодисаларни жамият ҳаётидан йўқ қилиб ташлаш билан боғлиқ бир қанча масалалар кўриб чиқилди.

Сиёсий бюро меҳнаткашларнинг марказий ва маҳаллий органларга келаётган кўпдан-кўп таклифларини ҳисобга олиб, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш тўғрисидаги масалани ҳар томонлама муҳокама қилди.

КПСС Марказий Комитети мана шу хунук ҳолга барҳам беришни катта сиёсий аҳамиятга молик социал вазифа деб билиб, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни кучайтириш ҳамда уларни жамиятимиз ҳаётидан чиқариб ташлаш соҳасида йирик социал-сиёсий, иқтисодий, маъмурий, медицина тадбирлари ҳамда бошқа чора-тадбирлар комплексини маъқуллади. Ичкиликбозликка қарши кураш тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш, шу мақсадда давлат ва хўжалик органларининг, партия ва жамоат ташкилотларининг кучғайратларини бирлаштириш ҳамда уларни доимо мувофиқлаштириб бориш, алкоголизмга қарши пропагандани кенг кўламда авж олдириш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ичкиликбозликка қарши курашга қаратилган қонунларни такомиллаштириш тўғрисидаги таклифлар ҳамда СССР Министрлар Совети, министрликлар, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар шу мақсадда амалга оширадиган тадбирлар системаси маъқулланди.

Сиёсий бюро ўртоқ Г. В. Романовнинг Венгрия Социалистик ишчи партияси XIII съезди ишида КПСС делегациясининг иштироки тўғрисидаги ахборотини тинглади. Делегациянинг фаолияти ва унинг венгер раҳбарлари билан суҳбатлари якунлари маъқулланди. Венгрияда социализм позицияларини янада мустаҳкамлашга қаратилган съезд қарорлари КПСС билан ВСИП, Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга, социалистик ҳамдўстликдаги мамлакатларнинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги йўлидаги муштарак курашида уларнинг жипслигини мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб комил ишонч билдирилди.

В. И. Воротников ва В. В. Шчербицкий ўртоқларнинг ГФР бундесрати президенти, Баден-Вюртемберг ўлкасининг бош министри Л. Шпэт билан ўтказган суҳбатларининг якунлари кўриб чиқилди. Л. Шпэт СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган эди. Бунда СССР билан ГФР ўртасида тузилган Москва шартномаси асосида иккала томоннинг манфаатларини тегишли даражада ҳисобга олган ҳолда ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш учун мамлакатларимизнинг талайгина имкониятлари мавжудлиги қайд этиб ўтилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида партиянинг иқтисодий ва социал сиёсатини амалга оширишга, қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга, планета халқларининг ялпи тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашга оид бошқа бир қанча масалалар муҳокама қилинди.

20 АПРЕЛЬ — КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

Москваликлардан ибрат олиб, Фарғона тўқимачилик комбинатининг меҳнатчилари ҳам ленинча коммунистик шанбаликни энг юксак меҳнат унумдорлиги билан нишонлашга бел боғладилар. Шанбаликда корхонанинг салкам ўн минг ходими қатнашади. Шу куни 340 минг метр газлама, 72 тонна калава ип — жами ярим миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш — яъни одатдаги кунларги нисбатан анча кўпроқ иш бажариш режалаштириб қўйилди. Маҳсулотнинг кўп қисми тежалган хом ашё ва энергетика ресурслари ҳисобига тайёрланади.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ш. Мирзабобоева 20 апрель куни икки смена нормасини бажариш мажбуриятини олди. Йигирувчилардан З. Каримулина, С. Замонова ва бошқа кўпгина тўқимачилар 20 апрель куни икки смена нормасини бажариш мажбуриятини олдилар. Корхона территориясини ва комбинатнинг истироҳат зонасини ободонлаштириш соҳасида катта ҳажмдаги ишлар ҳам бажарилади.

Комбинат коллективи беш йиллик фондига 14 минг сўм ўтказишни мўлжалламоқда.

(ЎзТАГ).

Кадрлар билан ишлашни КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми талаблари даражасига кўтарайлик

КАДРЛАР МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРАЙЛИК

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДАН

Жиззах область партия комитетининг VII пленуми бўлиб ўтди. Ташкилий масала кўрилди. Ўртоқ Ҳ. А. Шоғазатов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ҳамда Бюро аъзоси қилиб сайланганн муносабати билан область партия комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилинди. Илгари Жиззах область партия комитетининг секретари бўлиб ишлаган И. С. Умаров область партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. Боёвут район партия комитетининг биринчи секретари вазифасида ишлаб келган А. Турдиқулов область партия комитетининг секретари ҳамда бюро аъзоси қилиб сайланди.

Пленум кун тартибидаги иккинчи масалани ҳам кўриб чиқди. Жиззах область партия комитетининг биринчи секретари И. С. Умаров КПСС Марказий Комитетининг талаблари ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми қарорлари асосида кадрлар билан ишлашни янада яхшилаш юзасидан область партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида доклад қилди.

Докладчи ва нотиқлар шуни алоҳида таъкидладиларки, область партия ташкилотлари учун кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Чунки қўриқ областда партия, давлат интизомини мустаҳкамлаш, ишчанлик, ҳалол маънавий муҳит яратиш, ишдаги салбий ҳолатлар билан муросасизликни йиғиштириб, ишда тубдан бурилиш ясаш, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш кадрларнинг ташаббускорлигига, раҳбарликнинг ленинча принципларига нечоғлик содиқ эканликларига ҳам боғлиқ.

Областда ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш борасида бирмунча ишлар амалга оширилди. Лекин, дейилди пленумда, ишлаб чиқаришнинг бугунги аҳволи қаноатланарли эмас. Зомин бадиий буюмлар фабрикаси, 7, 8-нон маҳсулотлари комбинатлари, яна бир неча корхонагина асосий техника-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича йиллик планни бажарди, холос. Ҳамма кўрсаткичлар бўйича бирорта ҳам саноат корхонаси йиллик планни бажаргани йўқ. Жиззах аккумулятор заводи, ип-йигирув фабрикаси, Маржонбулоқ кони каби корхоналар йиллик планни уддалай олмади. Бундай корхоналарда ишлаб чиқариш интизоми яхши йўлга қўйилмаганлиги учун 3 миллион 652 минг сўмлик маҳсулот берилмади.

Қурилишдаги аҳвол бундан ҳам ёмон. Юз минг квадрат метр турар-жой, 1840 ўринли мактаб бинолари қурилмади. 4 минг гектар ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилмади. Қишлоқ хўжалиги тармоғида эса пахта, гўшт, сут, тухум тайёрлаш планлари бажарилмади.

Пленум қатнашчилари партия, халқ ишончини оқламаган айрим кадрларнинг қилмишларини ҳам очиб ташладилар. Ўзларига билдирилган ишончни оқламаган партия, совет ходимлари партия комитетларидан чиқарилди, депутатликдан чақириб олинди. Қаттиқ партиявий жазо берилди. Бу тадбирларнинг ҳаммаси областда ижтимоий муҳитни соғломлаштиришга олиб келмоқда. Ўтган тўрт йилда 53 колхоз-совхоз раҳбари ишдан олинди. 1984 йилда эса 28 нафар колхоз-совхоз раҳбари ўз ишларини уддалай олмаганликлари, турли кўзбўямачиликларга йўл қўйганликлари учун ишдан озод қилинди.

Бироқ кадрлар билан ишлашда ҳали ҳам расмиятчилик, маҳаллийчилик, таниш-билишлик ҳоллари учрамоқда. Кадрлар ишчанлиги, сиёсий ва ахлоқий сифати чуқур ўрганилмасдан раҳбарликка кўтарилмоқда. Ўтган йили март ойида Э. Азимов Зарбдор районидаги «Коммунизм» совхозига директор этиб тайинланди. Лекин орадан беш ой ўтмай, илгариги жавобгарликка тортилди. Октябрь пахта заводи директори М. Туроббоев ишлаганига кўп бўлмай товарсиз операция ишқибози бўлиб қолди. Унинг айби билан тўқимачиларга бўш вагонлар жўнатилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида область пахта тозалаш саноатида йўл қўйилган жиддий камчиликлар қаттиқ танқид қилинган эди. Шундан кейин область партия комитети бу соҳани ишончли кадрлар билан тўлдиришга жиддий эътибор берди. Лекин баъзи ўртоқлар ҳали ҳам бундан тегишли хулоса чиқариб олмаган кўринадилар. Пахтакор районидаги А. Икромов номли пахта заводи шу йили бажарилмаган ишга 20 минг сўм пулни қонунсиз тўлаганлиги аниқланди. Бу заводда Пахтакор район партия комитети ходимлари, «Джизакзаготхлопкопром» раҳбарлари тез-тез бўлиб туришади. Лекин уларнинг кўз ўнгида ана шундай кўзбўямачиликлар содир бўлди. Шундай кадрлар ҳам борки, улар ўзларига ишониб топширилган вазифалардан шахсий бойлик орттириш, таниш-билишу оғайниларга давлат ҳисобидан ҳотамтойлик қилиш мақсадида фойдаланадилар. Область йўл қурилиши бошқармаси бошлиғи А. И. Ким молия интизомини бузиб, йўл қурилишига ажратилган маблағ ҳисобига ўтган йилнинг ўзида 650 минг сўмлик мутлақо кераксиз моллар билан омборни тўлдирди. Бу ташкилотда ишламаган акасининг «ГАЗ-24» машинасини олишида «қўллаб» юборди. Бундан ташқари областдаги йўлларни созлаш, янги йўл қуриш ишлари ўлда-жўлда ётиши билан мутлақо иши бўлмай, бошқарманинг ва унга қарашли бўлинмаларнинг идораларини дабдабабозлик билан безашга, зарурият бўлмаган ҳолда меҳмонхона қуришга ҳам асосий кучни қаратди.

— Хўш, юқорида биз номларини тилга олган кадрлар раҳбарлик лавозимларида ишлаган жойларда партия ташкилоти ҳам бор эдиқу, деди докладчи. — Бироқ, бошланғич партия ташкилотлари етарли принципиаллик кўрсата олмаётирлар. Раҳбарларнинг партия ташкилоти олдида ҳисоб беришига, уларни номуносиб ишлардан қайтаришга ҳамма вақт ҳам кучлари етаётгани йўқ.

Фориш, Дўстлик район партия комитетлари кадрларга нисбатан талабчанликни ошириб, коммунистларнинг КПСС Устави талабларидан чекиниш фактларига муросасизлик билан қараб келяптилар. Ҳар бир коммунистнинг ижтимоий фаолияти, ахлоқидаги ўзгаришлар бошланғич партия ташкилотида ошкоралик руҳида кўриб чиқилади.

Лекин Жиззах шаҳри, Зарбдор район партия комитетлари фаолиятида ленинча иш услуби нормаларидан чекиниш юз берди. Бу шаҳар ва район партия комитети секретарлари ўз вақтида қаттиқ партиявий жазо олдилар.

Коммунистларни бошланғич партия ташкилотидан четлаб ўтиб жазолаш ҳоллари кадрлар тарбиясига ёмон таъсир этади. 1984 йилда партиявий жазо олган коммунистлардан Жиззах районида 96 процентга яқини, Зарбдор районида 87, Ғаллаорол районида 95, Мирзачўл районида эса 80 процентга яқини бошланғич партия ташкилотларида муҳокама қилинмагани аниқланди.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, КПСС Устави талабларини бузган, жиноий ишга қўл урган баъзи коммунистлар ҳам партия сафидан ўчирилмаяпти. Жиззах шаҳри, Арнасой, Зомин, Жиззах, Дўстлик, Октябрь, Зарбдор, Мирзачўл районларида шундай фактлар рўй берди. Арнасой районида жиноий жавобгарликка тортилган А. Сафаров, А. Қаҳҳоровлар партия ташкилоти ҳисобидан чиқарилиб, областдан кетишларига йўл қўйиб берилди. Шунингдек, Зомин районидаги «Хоразм» совхозининг бўлим бошқарувчилари А. Хушбоқов, Х. Турғуновлар ҳам район партия комитетининг «марҳаматидан» миннатдор бўлиб юрибдилар.

Областдаги коммунист раҳбарларнинг 59 нафари маъмурий йўл билан жазоланган эди. Уларнинг 27 проценти бошланғич партия ташкилотида муҳокама қилинди, холос. Халқ контроли органлари жазолаган 162 раҳбарнинг фақат 5 тасигина партия ташкилотларида муҳокама қилинди. Халқ контроли комитетлари томонидан жазоланган Бахмал, Ғаллаорол, Дўстлик, Зомин, Пахтакор, Мирзачўл районларидаги раҳбарларнинг бирортаси ҳам бошланғич партия ташкилотида муҳокама этилмади.

Бу ҳоллар шуни кўрсатадики, кўпгина район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ҳали ҳам ўз ишларини Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ҳамда XIX пленумлари қарорлари асосида қура олмаганлар. Кадрлар билан ишлаш планли, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда истиқболни кўзлаб олиб борилиши лозим. Лекин жуда кўп ҳолларда резервдаги кадрлар билан ишлаш расмиятчилик асосида олиб бориляпти.

Ҳуқуқ-тартибот ишларини яхшилашда адлия ходимларидан катта масъулият талаб қилинади. Лекин область ички ишлар бошқармасидаги раҳбар кадрлар ана шу масъулиятли вазифани халқ манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга ошириш борасида етарли ташаббус кўрсатмаяптилар. Жиззах, Дўстлик, Зарбдор, Зомин, Пахтакор, Октябрь районларининг ички ишлар бўлимлари бошлиқлари ана шундай хатоликларга йўл қўяётганликлари учун ўз вазифаларидан озод этилдилар. Бахмал район халқ суди раиси М. Бекмонов, Жиззах шаҳар халқ судьяси Г. Муталовалар ўз вазифаларини қониқарли бажармаётганликлари учун муддатидан илгари чақириб олиндилар.

Пленумда сўзга чиққан Фориш районидаги Карл Маркс номли совхознинг бош чўпони Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қобил Алқоров чорвадор кадрлар тайёрлаш ва улар орқали чорвачиликни ривожлантириш устида тўхталди. У район хўжаликларининг яйловлари борган сари қисилиб қолаётганини, қоракўл қўйлари наслининг бузилиб кетаётганлигини, бу эса раҳбарларни, илмий-текшириш институти олимларини қизиқтирмаётганини танқид қилди.

Мирзачўл районидаги Абай номли совхознинг бригада бошлиғи Рўёб Маматова ўз сўзида ишлаб чиқаришнинг қуйи звеноси бўлган бригадада меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ҳақида гапирди. Бригадада тартиб-интизомни мустаҳкамлаш бугунги кунда яхши натижа беряпти. Зомин бадиий буюмлар фабрикасининг тикувчиси С. Исмонлова тоғли районларда маҳаллий саноатни ривожлантиришга етарли аҳамият бермаётганлиги учун область маҳаллий саноат бошқармаси бошлиғи Э. Қобиловни қаттиқ танқид қилди.

Шунингдек, доклад юзасидан бўлган музокараларда Жиззах шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. Абдураимов, Жиззах пластмасса заводи бригадири Л. Мершчиева, Пахтакор районидаги «Самарқанд» совхозининг директори Х. Султонов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ И. Б. Усмонхўжаев қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Т. МАҚСУДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ГРЕЦИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ХРИСТОС САРДЗЕТАКИС ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Сиз Греция Республикасининг Президенти этиб сайланганингиз муносабати билан самимий қутловларни ва бу юксак лавозимдаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилаб билдирилган истакларни қабул этгайсиз.

Мамлакатларимиз ўртасидаги анъанавий, дўстона, яхши қўшничилик муносабатлари совет ва грек халқларининг бахт-саодати йўлида, ялпи тинчликни ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш манфаатлари йўлида янада ривожланаверади, деб ишонч билдирамиз.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Финляндия республикаси парламенти раиси Э. Пюстюнен бошчилигидаги шу республика парламент делегацияси икки кун давомида Ўзбекистон ҳаёти билан танишди. Делегация СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқида турибди.

Меҳмонлар Бухоро ва Самарқандга сафар қилиб, архитектура ва тарихий ёдгорлик ансамбларини, янги қурилиш районларини кўздан кечирдилар. Улар Тошкентда Ўзбекистон ССР Халқ Хўжалиги Ютуқлари Виставкасида бўлдилар, республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

Финляндия парламенти аъзолари делегацияси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси О. У. Салимов ҳузурида бўлди.

(ЎзТАГ).

НАВБАТДАГИ СОХТАКОРЛИК

Ўзининг ёлғон-яшиқ гаплари билан машҳур бўлган «Америка овози» радиостанцияси яна иғвогарликлар қилди. Бу радиостанция ўзининг Эрон учун эшиттиришларида ғўё Ироқ Совет Иттифоқининг ижозати билан Эрон шаҳарларига зарбалар урмоқда, деган бўҳтонларни тарқатмоқда.

ТАСС шуни айтишга ваколатлиқ қилинганки, бундай бўҳтонлар мутлақо асоссиздир.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми янги серунум универсал сеялкалар ва ғўза культиваторларини яратишга ва кўплаб ишлаб чиқаришни жорий этишга катта ҳисса қўшганлиги, узоқ йил самарали ишлаганлиги ва жамоат турмушида актив қатнашганлиги учун «Чирчиксельмаш» заводининг слесари **Абдуқодир Абдурасулов**, «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесари **Тўра Жўраевич Нормуҳамедов** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими»**, пахтачилик машиналари бош ихтисослаштирилган конструкторлик бюросининг бўлим мудири **Юрий Вацлавович Гроховский**, «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораториясининг бошлиғи **Муҳиддин Насруллаев** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер»** фахрий унвонлари берди.

«Союзмашхлопководст в а» Бутуниттифоқ саноат бирлашмасининг бир группа ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўп йил самарали ишлаганлиги, чорвачиликни ривожлантиришдаги юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичлари учун Қорақалпоғистон АССР Бўзатов районидаги «Порлитов» совхозининг молбоқари ўртоқ Ҳамза **Қўрбошевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган чорвачилик ходими»** фахрий унвони берди.

ТАШКИЛОТ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

3 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон халқ шоири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зулфия туғилган кунининг 70 йиллигига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилот комитетининг мажлиси бўлди. Юбилейга тайёргарлик билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Шоиранинг 70 йиллигига бағишланган кеча шу йил сентябрь ойида ўтказилади.

Зулфия юбилейига атаб Тошкентда унинг асарлари тўплами, Москвада танланган асарлари босиб чиқарилади. (ЎзТАГ).

КОМСОМОЛ АХБОРОТИ

Ғарбий Сибирни ўзлаштиришга

Куни кеча Тошкент аэропортида комсомол йўлланмаси билан Ғарбий Сибирь ерларини ўзлаштиришга отланган бир группа оловқалб ёшларни тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Комсомоллар Ғарбий Сибирь ерларидаги нефть ва газ конларини очиш ва у ерларда янги саноат районлари барпо этиш учун жўнаб кетдилар. Ҳозирги пайтда республикамиз ёшларини БАМда, Саяно-Шушенск ГЭСида, Тюменда, «Атоммаш» қурилишларида ва Ноқоратупроқ ўлкани ўзлаштириш ишларида учратиш мумкин. Бу ўлкан қурилишларда ўзбекистонлик ёшлар фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар.

Бир группа комсомол-ёшлар Череповецк металлургия комбинатини бунёд этиш ва бошқа Бутуниттифоқ комсомол қурилишларида иштирок этиш учун жўнаб кетишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Чўлқуварларга мукофот

Абдусамадни эрта билан дўстлари хушнуд кутиб олишди.

— Табриклаймиз, мукофот муборак!

— Ишингизнинг ривожини берсин!

Абдусамад Нурматов Жиззах областидаги «Бустонводстрой» трестига қарашли 23-кўчма колоннада скреперчи бўлиб ишлаётганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо шу қисқа вақт ичида Абдусамад юқори унумли меҳнати билан ном қозонди. У иш нормаларини доимо ортиғи билан бажарадиган бўлди.

Яқинда моҳир скреперчи 1984 йилда қўриқ ерларни ўзлаштиришда эришган муваффақияти учун Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофотининг лауреати бўлди. Шу кунларда Абдусамад ана шу юксак мукофотга жавобан республика комсомолининг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўзгача ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётир.

Машъал шоликорлар

Қорақалпоғистон автоном республикасида шолидан юқори ҳосил олаётганлар сафи кенгайиб бормоқда. Қўнғирот районидаги Чапаев номли совхознинг Омон Ўрозбоев бошчилик қилаётган ёшлар бригадаси ана шулар жумласидандир. Омон ва унинг дўстлари ўтган йили ҳар гектар майдондан 80 центнерга етказиб ҳосил кўтаришди.

Қораўзак районидаги «Қораўзак» совхозидан Жўлдасбай Утениёзов, Тахтакўпир районидаги «Тахтакўпир» совхозидан Омонгул Избосаровалар бошлиқ комсомол-ёшлар коллективлари ҳам Ўрозбоев бошлиқ бригада эришган маррани кўзлаб ишламоқдалар. Шу кунларда ёшлар баҳорги дала ишларини уюшқоқлик билан олиб боришяпти. Республика комсомолининг шонли 60 йиллиги нишонланадиган йилда ёш шоликорлар меҳнатда энг юқори натижаларни кўзлаб ишлашаётир.

КЕНГ ИСТЕЪМОЛ МОЛЛАРИ—ХАЛҚҚА!

Қўқон тикувчилик фабрикаси коллективи беш йиллик бошидан буён планга қўшимча 2,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.

Суратда: корхона экспериментал цехи ишчиси Азиза Шокирова янги маҳсулот намуналарини фабрика пештахтасига жойлаштираётир.

Ш. АЛИМОВ (ЎзТАГ) фотоси.

Транспорт конвейери — «Совет Ўзбекистони» назоратида

ХОТИРЖАМЛИККА АСОС ЙЎҚ

ВАГОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШДАГИ КАМЧИЛИКЛАРГА ҲАМОН ТЎЛА БАРҲАМ БЕРИЛМАГАН

Ўн биринчи беш йиллик якунловчи йилининг дастлабки квартали тугади. Бу давр Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўрта Осиё темир йўли ишида қатор қийинчиликларни келтириб чиқарди. Магистралнинг иш маромида мураккаб вазият рўй берди. Бу эса республика экономикаси қатор бўғинлари фаолиятини мураккаблаштирди. Партия ва ҳукуматимизнинг яқиндан кўрсатган ёрдами, темир йўлда тартиб-интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирлари туфайли магистрал ишини анча яхшилашга эришилди.

Йил бошида юзага келган қолоқликка барҳам бериш йўли, айниқса, март ойида изчил олиб борилди. Бу даврда поездлар оғирлиги ва узунлиги ошди. Юк ташиш суръатининг аввалги ойларга нисбатан бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ўстириш асосида эришилди. Тармоқнинг кўплаб ишчилари, корхоналарнинг илғор коллективлари ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли якунлаш учун курашиб, юқори унумли, фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатишди.

Конкрет мисолларга мурожаат қилайлик. Тайёрлаш министрлиги корхоналари февраль ойида бир кеча-кундузда ўртача 11 вагоннинг нормадан ортиқ туриб қолишига йўл қўйишганди. Республика Қурилиш министрлиги ва «Узсельхозхимия» бирлашмасида эса вақтида бўшатилмаган вагонлар сони 9 тадан иборат бўлди. Бу — министрлик ва идоралар ўртасидаги энг қуйи кўрсаткичдир. Дастлабки якунларга кўра, март ойида Қурилиш министрлиги корхоналарида юкларни тушириб олиш суръати — 1,5 марта, «Узсельхозхимия» бирлашмаси бўйича — 2,25 марта, Тайёрлаш министрлиги бўйича — 4 марта ошди. Вазиятни яхшилаш сари интилиш яққол сезилиб турибди.

Аммо март ойида ҳам бу министрлик ва идораларга қарашли корхоналар бир кеча-кундузда ўрта ҳисобда 3-6 тадан вагонни муддатида бўшатиб олмаганлар. Қишлоқ хўжалик министрлиги корхона ва хўжаликлари эса юк ортиш тушириш жараёнида нормадан ортиқ туриб қолаётган вагонлар сонини камайтириш ўрнига, аввалги ойларга нисбатан кўпайтириб юборди. Бу мутлақо кечириб бўлмас ҳолдир. Ваҳолонки, баҳор кунларидаги об-ҳаво ҳам ишларни яхшилаш учун анча қулайроқ эди.

Демак, темир йўл станциялари, корхоналарнинг кириш йўлларидаги ишларнинг аҳволи хотиржамликка асос бўлолмайди.

Март ойининг сўнгги кунларида ҳам айрим корхоналар айби билан транспорт конвейери иш маромида узилишлар содир бўлди. Хусусан, «Главсредазнефтестрой» бўлинмалари, шунингдек Қишлоқ хўжалик, Қурилиш, Мелиорация ва сув хўжалиги министрликлари корхоналари юборилган материаллар, хом ашё ва ускуналарни тушириб олишда норма муддатларига риоя қилмай вагонларнинг беҳуда туриб қолишига сабабчи бўлдилар. Бундай кўнгилсиз ҳолларга қатъиян барҳам бериш зарур.

АНИҚ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШНИ ЯХШИЛАШ БУТУН ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШИ ГАРОВИДИР. ТРАНСПОРТЧИЛАРНИНГ БУ МУҲИМ ВАЗИФАСИ КОРХОНАЛАРНИНГ АМАЛИЯТИ БИЛАН ЧАМБАРЧАС БОҒЛИҚ. 1985 ЙИЛ ВА УМУМАН БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНДА КЎЗДА ТУТИЛГАН ТОПШИРИҚЛАР ТЎЛА БАЖАРИЛИШИ ЮТУҚЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАБ, ЯНАДА ОЛҒА БОРИШ, ТОБОРА ЯХШИРОҚ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ.

Ю. БОБОЖОНОВ.

СОВЕТ—КАНАДА МУЗОКАРАЛАРИ

3 апрель куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Канада ташқи ишлар министри Ж. Кларк ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Ж. Кларк Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий визит билан СССРга келган.

Муҳим халқаро проблемалар ҳамда икки томонлама Совет — Канада муносабатларига оид масалалар юзасидан амалий вазиятда фикрлашиб олинди.

Дунёдаги кескинлик кучайган бир шароитда, деб таъкидлади А. А. Громико, Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати, аввало, халқаро майдондаги воқеаларнинг ривожланишини яхшилик томон қатъиян буриб юборишни таъминлашга қаратилгандир. Биз тинчликни сақлаб қолиш ва қуролланиш пойгаси»ни, аввало, ядро қуролланиши пойгасини жиловлаш йўлидаги куч-ғайратларни бундан буён ҳам ошириб бораверамиз.

Совет Иттифоқи ядро ва космик қурол-яроғларга оид масалалар юзасидан Женевада олиб борилаётган Совет—Америка музокараларида шундай позицияда туриб ҳаракат қилмоқда. Музокараларнинг мақсадларига эришиш — космик фазо ҳарбийлаштирилишининг олдини олиш, ерда қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро қуролларини тубдан қисқартириш мумкин, бунда, ўз-ўзидан равшанки, АҚШ томони ҳам шунга мувофиқ ҳаракат қилиши керак, албатта.

Совет Иттифоқининг халқаро вазиятни соғломлаштиришга, кескинликни юмшатиш жараёнини қайта бошлашга қаратилган катта ташаббусларига Ж. Кларкнинг эътибори жалб қилинди. Ғарб томонининг шу ташаббусларга масъулиятли, конструктив ёндашуви дунёдаги аҳволни тубдан яхшилашга кўп жиҳатдан ёрдам берган бўлур эди. Ядро урушининг олдини олишга, турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган конкрет қадамлар билан гитлерчилар фашизми устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб равишда нишонлаш мумкин бўлур эди.

Ж. Кларк ўз ҳукуматининг нуқтаи назарини баён этиб, Канада халқаро кескинликни юмшатиш ва ядро уруши хавфини бартараф этиш йўлларини қидириб топишдан манфаатдор эканлиги тўғрисида гапирди. Шунга асосланиб Канада ҳукумати Женевадаги Совет—Америка музокараларига катта умид боғламоқда ва ўз ҳаракатларида ана шу музокараларнинг самарали ўтказилишига кўмаклашиш иштиёқита амал қилади.

Европада ҳозирги вазиятни муҳокама қилиш чоғида Совет томони Стокгольмдаги конференцияда ўзаро мақбул аҳдномаларни конструктив равишда қидириб топиш, бу конференцияда Европа хавфсизлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиши лозим бўлган салмоқли натижаларга эришиш зарурлигини қайд этиб ўтди. Ўзаро ҳарбий куч ишлатмаслик тўғрисидаги шартноманинг тузилиши Европадаги ва бутун дунёдаги вазиятга хайрли таъсир ўтказган бўлур эди.

Канада министри конференцияда муҳокама этилаётган проблемаларга, жумладан давлатлар ўртасидаги муносабатларда низоли масалаларни ҳал этиш чоғида куч ишлатмаслик принципига нисбатан ўз ҳукуматининг ёндашувини баён этди.

Музокаралар чоғида ер курраси нинг бошқа районларидаги ишларнинг аҳволи тўғрисида фикрлашиб олинди. А. А. Громико билан Ж. Кларк Яқин Шарқдаги можаро БМТнинг тегишли резолюциялари асосида сиёсий йўл билан бартараф этилиши керак, деган фикрни билдирдилар. Совет томони Яқин Шарққа бағишланган халқаро конференцияни чақириш йўлида барча манфаатдор томонларнинг биргаликдаги куч-ғайратлари билан ҳозирги шу мақсадга эришиш мумкинлигини таъкидлади.

Томонлар ташқаридан давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига қатъий риоя этиш асосида Марказий Америка проблемаларини сиёсий воситалар билан бартараф этиш йўлларини қидириб топиш соҳасида «Контадор группаси»нинг куч-ғайратларини қўллаб - қувватлаётганликларини билдирдилар.

Икки томонлама муносабатларга оид масалалар юзасидан фикрлашиб олиш чоғида Совет—Канада муносабатлари жўшқин ривожланишдан иборат барқарор тенденцияни сақлаб қолишига бўлган умумий муддао қайд этиб ўтилди. Томонлар сиёсий мулоқотни активлаштиришга, СССР билан Канада ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техника, маданий соҳалар ва бошқа соҳалардаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни иккала мамлакат халқларининг бахт-саодати, ялпи тинчлик манфаатлари йўлида кенгайтиришга ҳамда уни конкрет мазмун билан тўлдиришга тайёр эканликларини тасдиқладилар.

* * *

Шу куни А. А. Громико Ж. Кларк шарафига нонушта зиёфат берди.

А. А. Громико билан Ж. Кларк нутқ сўзладилар.

Зиёфатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников, бошқа расмий кишилар, шунингдек Ж. Кларкка ҳамроҳлик қилаётган кишилар ҳозир бўлдилар.

* * *

Куннинг иккинчи ярмида музокаралар давом эттирилди.

* * *

Шу куни Канада ташқи ишлар министри Кремль девори ёнидаги Номаълум солдат қабрига гулчамбар қўйди. (ТАСС).

ВЕНГРИЯ ФАШИЗМДАН ОЗОД ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИГА

ҚАРДОШ ХАЛҚ БАЙРАМИ

● МОСКВА

СССР билан ВХР ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик иккала мамлакат халқларининг туб манфаатларига мос бўлиб тушмоқда, социалистик ҳамдўстликнинг бирлиги ва жипслиги ишига муваффақиятли хизмат қилмоқда. Москва меҳнаткашларининг Венгрия фашизмдан озод қилинганлигининг 40 йиллигига бағишланиб, 3 апрель куни бўлиб ўтган тантанали йиғилишида шулар таъкидланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, КПСС Марказий Комитети секретари И. В. Капитонов, бир қанча министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг намояндалари президиумдан жой оладилар. Венгрия — Совет дўстлик жамиятининг делегацияси ҳам ўтирибди.

Докладчи — Совет-Венгрия дўстлик жамияти марказий правлениесининг раиси, СССР Давлат кинематография комитетининг раиси Ф. Т. Ермаш совет кишилари Венгрия озод этилганлигининг 40 йиллигини қардош венгер халқи билан биргаликда ВХР энг катта байрами сифатида, унинг озодлиги, миллий мустақиллиги ва бунёдкорлиги рамзи сифатида кенг нишонлаётганликларини таъкидлади.

ВХРнинг СССРдаги элчиси Ш. Райнан ВСИП билан КПССнинг, ВХР билан СССРнинг қардошларча дўстлиги ва ҳар томонлама самарали ҳамкорлиги венгер халқи бунёдкорлик фаолияти муваффақиятларининг энг муҳим гарови эканлигини таъкидлади. Халқ Венгрияси меҳнаткашлари Венгрия диёрини озод қилиш учун фашизмга қарши курашда жон фидо қилган совет жангчиларининг хотирасини миннатдорлик билан ёдда сақлайдилар. (ТАСС).

● ТОШКЕНТ

Ўзбекистон меҳнаткашлари Венгрия миллий байрами — Озодлик кунини кенг нишонламоқдалар. Тошкент жамоатчилиги вакилларининг 4 апрель куни бўлиб ўтган тантанали йиғилиши ана шу санага бағишланди.

Йиғилиш қатнашчилари қирқ йил муқаддам венгер халқини гитлерчилар фашизмидан озод қилган Совет Армиясининг тарихий жасорати ҳақида гапирдилар. Ўзбекистон меҳнаткашлари СССР билан ВХР ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга кўп йилдан буён салмоқли ҳисса қўшиб келаётганликлари мамнуният билан таъкидланди. Бу алоқалар мамлакатларимиз манфаатларига, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушади.

Йиғилиш аҳли венгер халқига социализм қурилишида янгидан янги муваффақиятлар тилади. (ЎзТАГ).

БУДАПЕШТДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

3 апрель куни Будапештда ВСИП Марказий Комитети, ВХР Министрлар Совети, Ватан халқ фронти Умумвенгрия кенгаши ва Венгрия — Совет дўстлиги жамияти правлениесининг Венгрия фашизмдан озод этилганлигининг 40 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлис қатнашчилари ВСИП Бош секретари Я. Кадарни, Венгриянинг бошқа раҳбарларини, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов бошчилигидаги партия-ҳукумат делегациясини, бошқа социалистик мамлакатларнинг делегацияларини давомли қарсаклар билан кутиб олдилар.

ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР президиумининг раиси **П. Лошонци** доклад қилди. Докладчи бундай деди: 4 апрель — венгер халқининг энг шонли байрами. 1945 йилнинг шу куни Совет Армияси Ватанимизни фашист босқинчилардан озод қилди. Венгер халқи аввало совет халқига чуқур миннатдорчилик туйғуларини изҳор этади. У Совет Иттифоқининг миллий экономикамизни қарор топтиришдаги, мустақил давлатни барпо этишдаги ролини, социалистик ривожланиш давомида бизга СССР берган интернационал ёрдамни миннатдорлик билан эсга олади.

Венгрия меҳнаткашлари халқимиз озодлиги учун жон берган совет қаҳрамонларининг хотирасини табаррук асрайди.

Тантанали мажлис қатнашчилари самимий кутиб олган **В. В. Кузнецов** нутқ сўзлади. У катта ва шодиёна байрам муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва ҳукумати номидан, совет халқи номидан барча венгер меҳнаткашларига қизғин қутловлар топширди.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, улар билан дўстликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш Совет Иттифоқи учун ташқи сиёсатнинг устун соҳасидир, деди В. В. Кузнецов. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев таъкидлаганидек, социалистик интернационализм принципларига садоқатли партиямиз қардош мамлакатларнинг ўзаро алоқаларини кенгайтириш, уларнинг халқаро ишлардаги позицияларини мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам ҳамма ишни қилаверади.

Ўтган қирқ йил Совет — Венгрия ҳамкорлигининг, мустаҳкам, бузилмас қардошларча иттифоқимизнинг самарадорлигини тасдиқлади. Марксизм-ленинизм ва пролетар, социалистик интернационализмнинг синалган принциплари шу иттифоқда изчиллик билан рўёбга чиқди. Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномага таянувчи муносабатларимиз иккала мамлакат сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётининг деярли ҳамма соҳаларини қамраб олмоқда.

Совет Иттифоқи, Венгрия, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар аввалгидек ҳозир ҳам муштарак мақсадларимиз учун, янги жаҳон урушига йўл қўймаслик, ер юзида ҳаётни сақлаб қолиш учун курашда ўзларининг куч-ғайратларини янада маҳкамроқ жипслаштиришларига аминмиз, деди сўзининг охирида В. В. Кузнецов.

Тантанали мажлис мустаҳкам Венгрия — Совет дўстлигининг, венгер халқи социалистик ҳамдўстликнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашга азму қарор берганлигининг яққол намойиши бўлди.

* * *

Венгрия фашизмдан озод этилганлигининг 40 йиллиги муносабати билан Будапешт шаҳридаги Сабадшаг майдонида Венгрия озодлиги учун гитлерчи фашистларга қарши жангларда ҳалок бўлган ҳалоскор совет жангчилари монументи пойига гулчамбарлар қўйиш маросими бўлди.

Венгрия озодлиги ва мустақиллиги учун курашда ҳалок бўлган венгер қаҳрамонлари ёдгорлиги ёнига ҳам гулчамбарлар қўйилди.

А. КУЗЬМИН,
Н. МАСЛЕННИКОВ.
(ТАСС).

ЯШАРГАН ДИЁР

Венгрия халқи шонли сана — Венгриянинг фашизмдан озод қилинганлигининг 40 йиллигини нишонламоқда. Бу кунни венгриялик дўстларимиз билан биргаликда Совет Иттифоқи жамоатчилиги, шу жумладан Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам байрам қилмоқдалар.

Бугунги Венгрия ривожланган индустриал-аграр мамлакатдир. Социализмнинг ғолибона одимлари туфайли республика аҳолисининг моддий фаровонлиги, турмуш даражаси йилдан йилга ошиб боряпти. Кейинги йилларда мамлакатда Ленинварош ва Казинцбарцика, Сазҳаломбатта ва Дунаўйварош сингари саноат марказлари қад кўтарди. Венгер қишлоғининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Социалистик ўзгаришлар туфайли кооперативлар ва давлат хўжаликлари тузилди, улар энг замонавий техника воситалари билан қуроллантирилди. Бугунги кунда венгер деҳқонининг турмуш даражаси шаҳардагидан қолишмайди.

Венгрия Халқ Республикасининг халқаро мавқеи мустаҳкамланди. Халқ ҳокимияти йилларида венгер меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар марксизм-ленинизмнинг буюк ҳаётий кучини тасдиқламоқда, социализм шароитида яшовчи кишилар қандай бунёдкорлик ишларига қодир эканлигидан гувоҳлик бермоқда.

Қардош мамлакат меҳнаткашлари ўз байрамларини юксак сиёсий кўтаринкилик, меҳнат активлиги жўш урган ва Венгрия Социалистик ишчи партияси тезарагига жипслашган ҳолда кутиб олдилар. Венгер коммунистларининг XIII съезди мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг янги марраларини белгилади. ВСИПнинг мазкур анжуманида таъкидлаб ўтилганидек, ВХРда ривожланган социализм қурилишида партиянинг энг муҳим вазифаларидан бири — Совет Иттифоқи, Варшава Шартномаси ва Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши аъзолари бўлган давлатлар билан, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборатдир. ВСИП Бош секретари Янош Кадар докладида ҳам, съездда қатнашган совет делегацияси бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари Г. В. Романов нутқида ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар тобора кенгайиб бораётганлиги қайд қилинди.

Бундай алоқалар иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорликда, савдо-сотиқда ўз ифодасини топмоқда. Венгрия хом ашё ва энергияга бўлган эҳтиёжининг асосий қисмини Совет Иттифоқидан сотиб олаётган маҳсулотлар ҳисобига қондирмоқда. ВХР четдан олаётган барча машина ва асбоб-ускуналарнинг тўртдан бир қисмини СССР етказиб бермоқда. Ўз навбатида Совет Иттифоқи Венгриядан халқ хўжалигини ривожлантириш ва совет кишиларининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган маҳсулотларни олмоқда. Ҳар икки мамлакат ҳамкорлигида, шунингдек Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши доирасида Дунай металлургия комбинати, Пакш атом электр станцияси, «Союз» газ қувури сингари улкан иншоотлар тикланмоқда. Кейинги йилларда совет—венгер маданий алоқалари айниқса, кенг кўлам касб этди.

Кўп томонлама совет-венгер ҳамкорлигига республикамиз ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. Совет Ўзбекистони Венгриянинг тўқимачилик саноати учун пахта толаси, шунингдек химия, электротехника, енгил саноат маҳсулотлари етказиб бермоқда. Венгриядан эса «Икарус» автобуслари, ипак газламалар, кийим-кечак, мойли бўёқлар, мебель, дори-дармонлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа моллар олиб келинмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликнинг кенгайишида ва халқларнинг ўзаро яқинлашув жараёнида дўстлик жамиятлари катта роль ўйнамоқдалар. «Совет—Венгрия» дўстлик жамияти ана шулар жумласидандир. Совет жамоатчилигининг чинакам оммавий ташкилотига айланган бу жамиятнинг кўплаб бўлимлари ва бошланғич ташкилотлари муваффақиятли ишлаб турибди.

Ўзбекистонда ҳам совет-венгер дўстлиги жамиятининг республика бўлими ўн йилдан зиёд вақтдан бери фаолият кўрсатмоқда. Қардош мамлакатдаги венгер — совет дўстлик жамияти билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган бу бўлим активлари — олимлар ва ёзувчилар, ишлаб чиқариш илғорлари, Венгрияни фашизмдан озод қилишда қатнашганлар, талабалар ва ўқувчилар — дўстона алоқаларни ривожлантириш учун муайян ишларни амалда оширмоқдалар. ВХРда ҳам, Совет Ўзбекистонида ҳам ўтказилаётган маданият кунлари, адабий кечалар, учрашувлар халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Совет кишилари, шу жумладан Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам венгер дўстларимиз билан биргаликда Венгрия фашизмдан озод қилинганлигининг 40 йиллигини нишонлар эканлар, партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм принципларига асосланган дўстлик ва ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантиришга қатъий қарор берганликларини билдирмоқдалар.

Н. ҒОИБОВ,
«СССР — Венгрия» дўстлик жамияти Ўзбекистон бўлими правлениеси раисининг ўринбосари.

Чет эллларда

ВОКЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

ОЛДИНИ ОЛИШ ЛОЗИМ БЎЛГАН ЖИНОЯТ

ЛОНДОН. Американинг биринчи зарба урадиган ракета-ядро қуроли янги туркумларининг инглизлар диёрига келтирилиши жиноят бўлиб, Буюк Британиянинг тинчлик тарафдорлари бу жиноятнинг олдини олишга аҳд қилганлар, деди ядровий қуролсизланиш йўлидаги ҳаракатнинг бош секретари Брюс Кент.

У ҳарбий-ҳаво кучларининг Моулзуорт базаси яқинидаги Клоптон деган жойда ўтказилган матбуот конференциясида сўзлаган нутқида шу гапни айтди. Ҳозир бу ерда Американинг 64 та қанотли ракетасини жойлаштиришга жадал суръатлар билан тайёргарлик кўрилмоқда. Пентагон ва консерваторлар ҳукуматининг ғайрат-ҳаракатлари билан Моулзуорт қуролланиш пойгаси марказларидан бирига айлантирилмоқда, деб таъкидлади Брюс Кент. Қуролланиш пойгаси бутун дунёдаги тинчликка, инсон зотининг ҳаётига жуда катта таҳлика солмоқда. (ТАСС).

ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИ ЖИЛОВЛАНСИН

БОННГ. ГФР антифашистлари қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун ва бу пойга космик фазога ёйилишига йўл қўймаслик учун, халқаро муносабатларда куч ишлатишдан воз кечиш учун қатъият билан курашмоқдалар.

Нацизм даврида таъқиб қилинган кишилар уюшма — антифашистлар иттифоқининг раиси Ганс Йеннес шундай деди. У Дортмунддаги матбуот конференциясида сўзга чиқиб, шу ҳафтада фашизмга қаршилик ҳаракати курашчиларининг, фашистлар қамоқ лагерлари собиқ маҳбусларининг гитлерчилар Германияси устидан қозонилган Ғалаба 40 йиллигига бағишланган халқаро анжумани ўтказилишини маълум қилди. Ганс Йеннес янги фашизмнинг, фашизм ғайриинсоний идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига қарши, шунингдек реваншизмга қарши муросасиз курашиш зарурлигини таъкидлади. (ТАСС).

БОСҚИНЧИЛАРНИНГ БЕДОДЛИГИ

БАЙРУТ. Исроиллик босқинчилар Жанубий Ливан аҳолисига нисбатан бедодлик ва жабр-зулм қилмоқдалар. Олинган хабарларга кўра, қотиллар бўлинмаси танкларга, бронетранспортерларга ва юк машиналарига тушиб олиб Тир шаҳри яқинидаги Шебалия қишлоғига бостириб кирдилар. Исроилликлар 300 дан ортиқ деҳқонни маҳаллий мактаб биносига ҳайдаб келиб, уларни сўроқ қилдилар, қийноққа солдилар ва таҳқирладилар. (ТАСС).

ЖЕНЕВАДАГИ МУЗОКАРАЛАР

ЖЕНЕВА. (ТАСС). 3 апрель куни бу ерда ядро ва космик қуроллари юзасидан Совет-Америка музокаралари доирасида стратегик қуроллар группасининг мажлиси бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленуми қарорларини амалга оширамиз!

КЎЧАТ ЭКИНГ, БОҒ ҚИЛИНГ

СУРЪАТГА ҚАНОТ КЕРАК

РЕСПУБЛИКАМИЗ ҚАТОР ОБЛАСТЛАРИДА КЎЧАТ ЎТҚАЗИШ ВА УНИ ТЎЛА КЎКАРТИРИШ ҚОНИҚАРСИЗ АҲВОЛДА

Яқинда «Совет Ўзбекистони» газетаси саҳифасида республикамиз областларида кўчат экишнинг борши ҳақида шу йил 20 мартгача бўлган маълумот эълон қилинган эди. Шундан бери ўтган ўн кун мобайнида танқиддан тўғри хулоса чиқарилиб, муҳим ишни тезлатиш юзасидан аниқ тадбирлар белгиланган областларда кўплаб турли хил мевали ва манзарали кўчатлар экилди. Белгиланган планларни бажариш йўлида сезиларли ўзгариш бўлди. Масалан, Фарғона областида ўн кунда йиллик планнинг 55,9 проценти миқдорида кўчат экилгани қувонарлидир. Маълумотлар, Бухоро области ва Тошкент шаҳрида ҳам кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор берилаётганлигидан далолат бериб турибди.

Бироқ кўчат экишдек эзгу иш ҳамма жойда ҳам кўнгилдагидек олиб бориляпти, деб бўлмайди. Қатор областларда мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиш, хиёбонлар, боғ ва токзорлар барпо этишга ҳануз расмиятчилик билан ёндашилмоқда. Жойларда кўчат тайёрлаш, уни тегишли ташкилотларга тарқатиш ва вақтида ўтқазилишини назорат қилиш қониқарсиз аҳволда. Фактларга мурожаат этайлик. Сурхондарё областида 1984 йилнинг кузи ва 1985 йилнинг 20 мартигача бўлган давр мобайнида 9 миллион 34,9 минг туп турли хил кўчат ўтқазилган эди. Ўтган ўн кун мобайнида 247,6 минг туп кўчат ўтқазилганлиги ёки топшириқнинг атиги 1,7 проценти миқдорида ўсишга эришилганлигини нормал ҳол деб бўладими? Ҳозир областда кўчат экиш плани 62,2 процент бажарилди. Агар суръат шу зайлда давом этадиган бўлса, сурхондарёликлар планни бажаришлари учун яна қарийб бир йил керак бўладику!

Республика Марказий статистика бошқармаси маълумотларига назар ташлайдиган бўлсак, Қорақалпоғистон автоном республикасида кўчат экиш, айниқса, ночор аҳволдалигининг гувоҳи бўламиз. Бу ерда экилиши лозим бўлган 10 миллион 180,8 минг туп кўчатнинг ҳозиргача 283,2 мингтаси ўтқазилди, холос. Наҳотки, улар ўтган йилги куз ва бу йилги баҳор ойларида ўйл қўйилган хатоликни тузатиш лозимлигини унутишган бўлса.

Ўтган йили наманганликлар мевали боғ-роғларни кўпайтириш ташаббуси билан чиққан эдилар. Аммо фактлар областда сўз ва иш бирлиги ўртасида тафовут борлигини кўрсатиб турибди. Наманганда топшириқ бўйича 17 миллион 17,5 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиши лозим эди. Аммо ҳозиргача ўтқазилган кўчатлар унинг ярмига ҳам етмайди. Область партия, совет ташкилотлари, хўжалик ва корхоналарнинг раҳбарлари ишда кескин бурилиш ясамасалар бу борадаги давлат планларининг бажарилиши хавф остида қолиши мумкин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида Қашқадарё областида содир бўлган кўзбўямачиликлар, кўшиб ёзишлар кескин қораланган эди. Аммо областда бу номақбул тенденциядан ҳамон қутула олинмаётир. 20 мартгача бўлган маълумотда областда 12 миллион 851,7 минг туп кўчат ўтқазилиб, бу борадаги топшириқ 89,5 процент бажарилди, деб кўрсатилган. Аммо текшириш чоғида 1 апрелга қадар 11 миллион 708,9 минг туп кўчат ўтқазилгани ва план бажарилгани аниқланди.

Республикамизда ўтган ўн кун мобайнида топшириқнинг 24,8 проценти миқдорида кўчат экилди. Яхши кўрсаткич. Бироқ кунлар исиб, ниҳолларнинг амал олиши қийинлашадиган дамлар оз қолганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ҳали етарли эмас. Суръатни кескин кўтариш керак. Бунинг учун юқорида номлари тилга олинган областлар ҳамда Хоразм, Тошкент, Сирдарё ва Навоий областларида ишни жадаллаштириш юзасидан оператив чоралар кўрилиши, ниҳол экиш ҳамда боғлар, токзорлар барпо этиш планларини бажаришдаги қолоқликни туғатишга барҳам берилмоғи зарур. Шу йўл билан кўзда тутилган барча кўчатларни экиб оламиз.

Аммо ўлкамизни боғ-роғларга, маъмурчилик ва тўкинчилик масканига айлантириш бўйича ҳар йили ўтказиладиган кўчат экиш ойликлари топшириқларини бажариш, белгиланган ниҳолларни ўтқазиш билан тугамайди. Энг асосийси, уларни асраб-авайлаш, агротехника талаблари асосида парвариш қилиб, яхши ривожланишни таъминлашдан иборат.

Республикамизда ҳар йили миллионлаб кўчат ўтқазилади. Статистика органларига бу борадаги планлар ошириб бажарилгани, кўплаб муассаса ва ташкилотларнинг кўчат ўтқазишда жонбозлик кўрсатиб ишлагани ҳақида маълумотлар берилади. Афсуски, кейинчалик катта меҳнат ва маблағлар эвазига етиштирилган кўчатларнинг ҳолидан хабар олиш, кўпинча ҳеч кимнинг эсига келмайди. Натижада ниҳоллар қаровсизликдан қуриб, яроқсиз чўпга айланади. Қанчадан-қанча давлат пули кўкка соврилади.

Кейинги ўн йил ичида биргина Бухоро шаҳрида кўкаламзорлаштириш мақсадлари учун қарийб 8 миллион туп мевали ва манзарали ҳамда гул кўчатлари ўтқазилган эди. Ҳозир шунинг 3 миллионидан сал ортиғи мавжуд. Шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ва кўчат экишда қатнашган корхона ҳамда ташкилотларнинг эътиборсизлиги туфайли ҳар йили экилаётган кўчатларнинг ярмидан кўпи қуриб қоляпти. Ахир бу ўтакетган масъулиятсизлик, давлат мулкини, халқ насибасини талон-торож қилиш эмасми?

Экилган кўчатлар парваришини кучайтириш ва уларни тўла сақлаб қолиш йўли билан йилига қанчадан-қанча ниҳолларни иқтисод қилишимиз мумкин. Шунда қўшимча боғлар, токзорлар барпо қилинишига имконият яратган бўламиз. Боғ-роғлар қанча кўп бўлса, халқимизнинг ҳўл мевага бўлган талабини янада тўлароқ қондириш имкониятларини туғилади. Ана шунда меҳнаткашлар бозорлардан қиммат нархда мева сотиб олишдан қутуладилар.

Қуйида боғлар, узумзорлар барпо этиш, тўтлар, мевали ва манзарали дарахтлар ҳамда буталар экиш қандай бораётганлиги ҳақидаги 1 **апрелгача бўлган маълумот** билан танишасиз. (Биринчи устун — 1984 йил кузи ва 1985 йил баҳорига бўлган топшириқ (минг дона), иккинчи устун — амалда экилгани, учинчи устун — топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Фарғона	14501,3	12675,7	87,4
Бухоро	10242,9	8701,2	84,9
Тошкент шаҳри	2242,2	1882,3	83,9
Сурхондарё	14931	9282,5	62,2
Андижон	10711,3	6594,3	61,6
Самарқанд	12312,9	7384,2	60
Навоий	7355,1	4330,1	58,9
Тошкент	15930,8	9151,2	57,4
Сирдарё	12165,6	6888,5	56,6
Қашқадарё	21604	11708,9	54,2
Наманган	17017,5	7756,2	45,6
Жиззах	14255	6204,3	43,5
Хоразм	8765	2805,7	32
Қорақалпоғистон АССР	10180,8	283,2	2,8
Республика бўйича	172215,4	95648,3	55,5

Демак, ҳар бир жойда кўчат экиш ойлигининг муваффақиятли ўтказилишига эришмоқ учун ғайрат-шижоат, ташаббускорлик билан меҳнат қилмоғимиз, аввало, ҳар биримиз онгли интизом намунасини кўрсатмоғимиз лозим. Экилгандан сўнг ўз ҳолига ташлаб қўйилган яшил дўстларимизга бефарқ қаровчиларга лоқайд бўлмайлик. Кўчатларнинг тўла амал олиб кетишига жавобгар бўлган ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассисларидан қаттиқ масъулият талаб қилиш, уларнинг ўз вазифаларини тўла бажаришларига эришмоқ керак. Ана шунда ўлкамизни яшил либосга буркаб, маъмурчилик масканига айлантирамиз.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

ГАП КЎП-У, МАҲСУЛОТ ОЗ

Агар Гулистон районидаги Фрунзе номли колхозда чорвачиликнинг аҳволи билан қизиқсангиз, хўжалик раҳбарлари ютуқлар ҳақида оғиз кўпиртириб гапиришни яхши кўришади. Колхозда партком секретари билан бугалги суҳбатимиз ҳам шундай бошланди.

— Бу йилги қишнинг қаттиқ келиши сабабли анчагина қийинчиликларга дуч келдик, — дейди А. Турдиев.— Лекин энг муҳими — чорва моллари қишловдан яхши олиб чиқдик. Қишлов пайтида ҳатто бир марта район мусобақасида ғолиб чиқиб, кўчма Қизил байроқ олдик.

Аммо хўжалик фермасида бўлганимизда ҳақиқий манзара иш билан сўз ўртасида жиддий тафовут борлигини кўрсатди. 1984 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятга кўра, колхозда ўтган йили жами қорамоллар сонини 520 бошга, жумладан соғин сигирлар сонини 310 бошга етказиш белгиланганди, ҳар бош сигирдан 2500 килограммдан сут соғиб олиниши лозим эди. Энди колхоз чорвадорлари эришган кўрсаткичларга назар ташлайлик: сут етиштириш колхоз чорвачилигининг асосини ташкил қилади. Лекин сигирлар бош сонини кўпайтириш, маҳсулдорлигини оширишдаги натижалар мутлақо қониқарсиз.

Шу йилнинг январь ойига келиб сут-товар фермасидаги сигирлар 290 бошга тушиб қолди. Бу пландагидан 15 бош кам демакдир. Орадан бир ой ўтар-ўтмас янада ташвишли воқеа рўй берди. Яъни, сигирлар 265 бошга тушди. Бошқача айтганда, қишлов ойларида сигирлар яна 25 бош камайиб кетди. Ўтган йили ҳар бош сигирдан ўрта ҳисобда 2132 килограммдан сут соғиб олиниб, йиллик план аранг 88 процентга етказилган эди.

Февраль ойига келганда эса сут етиштиришнинг янада камайиб кетиши — колхоз чорвадорларининг қишловга шунчаки қўл учида тайёргарлик кўрганликларини очиқ-ойдин кўрсатиб турибди. Чунки юқоридаги сингари нохуш аҳвол сигирларнинг бош сонини кўпайтириш ва сут етиштиришдагина эмас, бошқа соҳаларда ҳам яққол кўзга ташланмоқда. Қишлов мобайнида чорвачиликда бўлгани сингари парандачиликда ҳам жиддий талафот кўрилди. Ҳозир хўжаликда пландаги 4 минг ўрнига 1483 парранда, 300 бош ўрнига 154 бош чўчқа боқилмоқда, холос.

Колхозда чорва молларнинг камайиб, маҳсулдорлиги тобора озайиб бораётганининг асосий сабабларидан бири мустаҳкам озуқа базасининг яратилмаётганидадир. Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўрса бўлади.

Ўтган йили хўжалик бўйича атиги 10 гектар ерда дон учун маккажўхори етиштирилиб, пландаги 42 ўрнига 30 центнердан ҳосил олинди. Шунингдек, 215 гектар эски бедазорлардан 98 центнердан пичан олинди, холос. Кўриниб турибдики, бундай кўрсаткичлар билан ем-хашак базасини мустаҳкамлаш қийин. Колхоз иқтисодчилари ҳамда чорвачилик билан шуғулланувчи бухгалтерларнинг берган маълумотларига қараганда, хўжалик чорвасини қишловдан муваффақиятли олиб чиқиш учун 2050 тонна дағал хашак, шу жумладан 940 тонна пичан, 650 тонна сенаж, 1530 тонна силос, 1000 тонна лавлаги жамғарилиши лозим эди. Афсуски, белгиланган тадбирларнинг бирортаси ҳам бу маррани эгаллаш ҳақида шахсий мажбурият олмагани ажабланарли. Бунинг устига соғувчиларнинг эришаётган натижаларига ҳар ойда якун ясаб борилмайди.

Худди шундай ҳолни райондаги Крупская номли колхозда ҳам кўриш мумкин. Бу хўжалик яқин пайтларгача илғорлар сафида тилга олинарди. Лекин сўнгги йилларда бу ерда барча соҳалар бўйича орқага чекиниш рўй бермоқда. Жамоат хўжалигини ихтисослаштирилган «Комсомол» совхозидан 1000 тонна силос сотиб олиниб, бунинг учун 26 минг 700 сўм маблағ сарфланди. Аммо сотиб олинган ана шу силос ҳам чорва моллар эҳтиёжини қондира олмади. Натижада қишлов ҳал қилувчи паллага кирганда қўшни райондаги «Шўрўзак» совхозидан яна 150 тонна силос сотиб олинди. Бу ҳам колхоз учун 3500 сўмга тушди. Натижада дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда колхоз чорвачиликдан катта зарар кўрмоқда, етиштирилаётган маҳсулотларининг таннархи ошиб кетмоқда. Ўтган йили якунларига кўра колхозда чорвачиликдан 25 минг 260 сўм зарар кўрилиши назарда тутилган эди. Бироқ бу рақам 50 минг 631 сўмни ташкил этди.

Фрунзе номли колхозда социалистик мусобақа қоғоздагина қайд этилган. Унинг оммавийлиги, ошкоралиги, таъсирчанлиги таъминланмаётир. Хўжалик чорвадорларининг қабул қилган мажбуриятларида ҳар бош соғин сигирдан йилига 2500 килограммдан сут соғиб олиш кўзда тутилган. Бироқ ўн икки нафар соғувчининг бирортаси ҳам бу маррани эгаллаш ҳақида шахсий мажбурият олмагани ажабланарли. Бунинг устига соғувчиларнинг эришаётган натижаларига ҳар ойда якун ясаб борилмайди.

Ҳудди шундай ҳолни райондаги Крупская номли колхозда ҳам кўриш мумкин. Бу хўжалик яқин пайтларгача илғорлар сафида тилга олинарди. Лекин сўнгги йилларда бу ерда барча соҳалар бўйича орқага чекиниш рўй бермоқда. Жамоат чорвасини ривожлантиришда эса, айниқса, жиддий хатоларга йўл қўйилаётир. Жумладан, чорва қишловига етарли тайёргарлик кўрилмаганини қуйидаги мисоллардан яққол кўриш мумкин. Ўтган йили пичан жамғариш йиллик плани 23,9 процент, сенаж бостириш плани 68,5 процент, ширали озуқа тайёрлаш плани 24,5 процент, силос бостириш плани атиги 11,1 процент, хашак лавлаги жамғариш плани эса 76,2 процент адо этилди, холос. Натижада қишлов жуда оғир ўтди. Моллар, хусусан сигирларнинг сони ҳам, маҳсулдорлиги ҳам кескин камайиб кетди. Шу йилнинг январь-февраль ойларидаёқ колхоз бўйича сут тайёрлаш ўтган йилнинг шу даврида сигир бор, деб қайд этилган. Бу рақамларнинг қайси бирига ишониш керак? Бу саволга колхоз раиси Қодиркул Ҳотамов ҳам, бош зоотехник Шодиқул Усмонқулов ҳам аниқ-равшан жавоб бера олмадилар.

Гулистон райони чорвадорларининг бундан уч йилча муқаддам ўн биринчи беш йилликда чорва молларнинг бош сонини ҳам, маҳсулдорлигини ҳам камида 2,5-3 баробарга кўпайтириш юзасидан ташаббуслари кўпчиликнинг ёдида бўлса керак. Мана, ғалвирни сувдан кўтарадиган фурсат ҳам яқинлашиб қолмоқда. Аммо чорва моллар сони ва уларнинг маҳсулдорлиги ўсиши негадир кўзга яққол ташланмаётир. Шу ўринда бир нарсани рўй-рост айтиб ўтишга тўғри келади. Район агросаноат бирлашмаси Совети, қолаверса хўжалик раҳбарларининг кабинетларида чорвачиликни ривожлантириш ҳақида жуда жонли, жўшқин гаплар кўп айтилмоқда, чиройли қарорлар қабул қилинмоқда. Бироқ афсуски, ана шу жўшқинлик ва ишчанлик беносита меҳнат коллективларига, оддий чорвадорлар меҳнат қилаётган жойларга етиб бормаётир. Ҳозирча чорвачиликка умумий сўзлар, баландпарвоз гаплар билан раҳбарлик қилинмоқда. Шунинг учун ҳам гап кўп-у, аммо чорва маҳсулотлари ҳамон озлигича қолаётир. Шундай экан, беихтиёр, қачон Гулистон районида бу муҳим соҳага конкрет, ишнинг кўзини билган ҳолда раҳбарлик қилишга ўтилар экан, деган ҳақли савол туғилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган XIX пленуми кадрлар билан ишлаш, хўжаликка раҳбарлик қилишдаги юзакичиликни кескин қоралади, яроқсиз иш методларидан тезлик билан воз кечиш лозимлиги уқтирилди. Гулистон райони партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари раҳбарлари бу йилги чорва қишловида рўй берган жиддий хато ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб олишлари зарур.

А. УМАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Поп районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг Суроббой Ёндошев бошлиқ бригадаси аъзолари маккажўхори экишни бошлаб юбордилар. Ер яхши тайёрланганлиги, техника пухта созланганлиги туфайли дастлабки кунларданоқ юқори унумдорликка эришилмоқда. Бу йил маккажўхорикорлар 140 гектар ерда деҳқончилик қилишяпти. Шунинг юз гектари дон учун мўлжалланган. Миришкорлар ҳар гектар ердан 80 центнердан «қаҳрабо дон» йиғиштириб олишга бел боғлашган. Шу мақсадда барча резерв ва имкониятларни ишга солишяпти. Узаро мусобақада республикада хизмат кўрсатган механизатор Тўхтасин Иноқов пешқадамлик қилмоқда. У кунига 6-7 гектар майдонга барака уруғи қадашга муваффақ бўлаётир.

Суратда: Т. Иноқов.

Х. Ҳайдаров фотоси. **(ЎзТАГ).**

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

НАВОИЙ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:

— Хатирчи районида кадрларни танлаш ва жойжойига қўйиш принциплари бузилаётгани ҳақидаги имзосиз хатдаги фактлар текширилди.

Область партия комитетининг пленумида Хатирчи район партия комитети, унинг секретарлари кадрларни танлаш ва жойжойига қўйишда йўл қўйган камчиликлари учун танқид қилиб ўтилганди. Район партия комитети бу танқиддан тўғри хулоса чиқариб, кадрлар масаласини ҳозирги замон талаблари даражасида ҳал этишга ҳаракат қилаётир. Бугунги кунда район партия комитети юқори органларнинг ёрдами билан кадрлардан омилкорлик билан фойдаланиш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

ПАЙАРИҚ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:

— Калинин номли колхознинг «Камар» қишлоғида яшовчи бир группа газетхонлар номидан ёзилган хат юзасидан текшириш ўтказилди. Ҳақиқатан ҳам бу ерда аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда.

1985 йилда водопровод қурилиши бўйича 200 минг сўмлик ишлар планлаштирилди. Колхоз аҳолисини ичимлик сув билан таъминлаш ишларини тезлаштириш юзасидан барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

САМАРАСИЗ МИЛЛИОНЛАР

ЁКИ ТУГАЛЛАНМАГАН ҚУРИЛИШЛАР СОНИ КАМАЙИШ ЎРНИГА КЎПАЯЁТГАНЛИГИ ХУСУСИДА

Объект қурилиши қанчалик чўзилса, унга сарфланаётган маблағларнинг самараси шунчалик кам бўлади. Ҳар бир қурилиш учун белгиланган план , муддатида тугалланиши лозим. Афсуски, ҳар доим ҳам бундай бўлмаяпти. Шу сабабли Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI—XIX пленумлари тугалланмаган қурилишлар ҳажмининг ортиб кетганига эътиборни қаратиб, капитал қурилишга раҳбарликдаги жиддий нуқсонларни кўрсатиб ўтди.

Республика Қишлоқ қурилиши министрлиги партия қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, муайян ютуқларни қўлга киритди. 1985 йил январь-февраль ойларида 33 миллион сўмлик қурилиш товар маҳсулоти топширилди. Бу, ўтган йилгидан икки марта кўп демакдир. Ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми билан бирга уй-жой қурилиши суръатлари ҳам сезиларли ошди. Икки ойда умумий майдони 51,2 минг квадрат метр ёки квартал планнинг 78,4 проценти миқдорида уй-жой фойдаланишга топширилди. Уч ойлик план ошириб бажарилди. Йилнинг ўтган муддатида бир қанча агросаноат комплекслари ва социал-маданий, маиший объектлар ишга туширилди.

Илғор қурилиш ташкилотлари коллективлари тез ва юқори сифатли иш бажаришга қодир эканликларини амалда исботлашди. Масалан, ўтган йили 24-, 21-, 19-трестларимиз Андижон областининг Ёрқишлоқ, Хоразм областининг Боғот, Қашқадарё областининг Яккабоғ посёлкаларида тикувчилик фабрика-филиаллари қурилишини норматив муддатларидан барвақт тугаллашди ва яхши баҳоларга топширишди. Паррандачилик фабрикаларини тиклаётган қурувчиларимиз самарали меҳнат қилишди. Улар 12 миллион бройлерга мўлжалланган қувватларни ишга туширдилар.

Ижобий силжишлар кўриниб турибди. Улар тугалланмаган қурилиш ҳажмини камайтириш, бўлинмаларимиз хўжалик-молиявий фаолиятини яхшилаш имконини берди. Эришилган ютуқлар — сўнгги вақтларда министрлик, унинг трестлари, механизациялашган кўчма колоннаси, саноат корхоналари амалга ошираётган таъсирли тадбирларнинг дастлабки, умидбахш натижасидир.

Хўш, бунинг моҳияти нимада? Аввало, планлаштириш, молиявий таъминот ва ҳисоб-китоб чоғида асосий эътибор қурилиш товар маҳсулоти топшириш, айни вақтда квартал ва ойлар бўйича унинг бир меъёрда бўлишига қаратилди. Шу асосда биринчи кварталда 8—10 процент объектни, тўртинчи кварталда эса 40—45 процент объектни фойдаланишга топширишдек яроқсиз тажрибага чек қўйилди. Аниқроқ айтганда, аввал бинолари ишга тушириш ўта тиғиз программасининг асосий оғирлиги декабрь ойига тушарди. Шошма-шошарлик билан топшириш оқибатлари эса ҳаммага маълум.

Қурувчиларни ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирувчи, яъни пировард натижага тезроқ эришишга интилмай, фақат ажратилган капитал маблағларни ўзлаштириш каби «анъана» тарзини олган психологик тўсиқ секин-аста бартараф этилмоқда. Эндиликда бизда топширилган тайёр «маҳсулот» — объект асосий кўрсаткич саналади. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг инженерлик тайёргарлиги комплекс планларини ишлаб чиқишда йилдан-йилга ўтиб келаётган қурилишларга асосий эътибор қаратилаётир, қурилиш тайёргарлиги юксак савияда бўлган объектларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда. Министрлик бир вақтда қурилаётган объектлар сонини камайтиришга эришди.

Бу, аввало, бизнинг бўлинмаларимиз кўплаб тайёр товар маҳсулоти топшириши лозим бўлган Тошкент, Жиззах ва Самарқанд областларига тааллуқли. Ишчи ва моддий-техника ресурслари ишга туширилаётган ва энг муҳим қурилишларга жалб этилган.

Амалга ошираётган тадбирларимиз, қисқача айтганда, ана шулардан иборат. Бироқ тўла-тўкис тартиб ўрнатиш учун қурилишнинг бошқа иштирокчилари, айниқса, буюртмачиларнинг конкрет чоралар кўришини талаб этади.

Устига-устак буюртмачилар, аввало, асосий буюртмачиларимиз — республика Қишлоқ хўжалик министрлиги ва «Узгоскомптицепром» хоҳиши билан умумий смета баҳоси ўн миллион сўмларга тенг, йилдан-йилга ўтувчи объектлар 1985 йил планига киритилмай қолди. Демак, номаълум вақтгача бу қурилишларни тўхтатиб туриш лозим. Ўз-ўзидан савол туғилади; уларни бошлаш, кўплаб давлат маблағлари сарфлашнинг нима ҳожати бор эди? Буюртмачилар қурилишнинг барча иштирокчилари учун мажбурий ҳисобланган тартибни қўпол равишда бузишни давом эттирмоқдалар. Эслатиб ўтаман, бу тартиб талабига кўра, буюртмачилар капитал маблағлар ва пудрат ишлари планини шакллантиришда, аввало, йилдан-йилга ўтиб келаётган тугалланмаган объектларни назарда тутишлари лозим. Буюртмачи-министрлик ва идораларнинг раҳбарлари қурилишнинг узоқ чўзилиб кетиши давлатга зиён келтирувчи иллат эканлигини наҳотки, тушунишмаса? Қурилишга сарфланган, аммо самара бермаётган ҳар бир сўм йилига 15 тийиндан зарар келтириши ҳисоблаб чиқилган. Айрим раҳбар ходимлар кўплаб капитал маблағлар, моддий-техника ресурслари ва сарфланган меҳнат йиллар давомида «жонсиз» ётиши, миллион сўмлаб ҳаражатларнинг самара бермаслиги билан муроса қилмоқдалар.

Тажрибанинг кўрсатишича, объектларнинг тенг ярми буюртмачилар айби билан ишга туширилмай қоляпти. Чимбой шаҳрида 240 ўринли кенг профилли касалхона ва унинг 500 кишига хизмат кўрсатишга мўлжалланган поликлиникаси қурилиши 1975 йилда бошланиб, 2 йилдан сўнг фойдаланишга топширилиши лозим эди. Аммо йирик соғлиқни сақлаш муассасаси бу йил ҳам фойдаланишга топширилмайди. Чунки буюртмачи — автоном республика Министрлар Совети қурилишга смета лимитининг 1 миллион сўм қолдиғидан бор-йўғи 300 минг сўм ажратган. Қорақалпоғистондаги чўзилиб келаётган қурилишлар рўйхатида смета баҳоси 35 миллион сўмдан иборат ўнлаб мактаб, болалар боғчалари, уй-жойлар ва бошқа объектлар бор. Беруний номли совхозда бунёд этилаётган 624 ўқувчига мўлжалланган мактаб 1976 йилдан буён қурилади. Сабаб яна ўша — буюртмачи етарли маблағ ажратмаган. Бу объект қурилишига автоном республика Қишлоқ хўжалик министрлиги буюртма берган.

Нукус шаҳридаги 12-трест олдида турган энг жиддий муаммо—ниҳоясига етказилмаган қурилиш ҳажмини қисқартириш юзасидан кескин ва кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўришдан иборат. Аммо буюртмачилар роли ва масъулиятини оширмасдан ушбу муаммонинг ҳал этилишини тасаввур қилиб бўлмайди. Хусусан, ниҳоясига етказилмаган қурилишларга капитал малбаг ва кредитларни тўла ҳажмда, ўз муддатида ажратиш ишида қатъий тартиб ўрнатиш зарур.

Хоразм областининг Боғот районида 21-трестимиз томонидан тикланаётган ўсимликларни ҳимоя қилиш химиявий воситалари омбори 1983 йилда ишга туширилиши керак эди. Бироқ, фақат 1984 йилга келиб, омборнинг 5 минг тонна маҳсулот сақлашга мўлжалланган бир қисмигина фойдаланишга топширилди. Омборнинг смета баҳоси 1 миллион сўмликдан зиёд бошқа биноларга эса уч йилдан буён «туя гўшти еб» ётибди. Икки йил давомида буюртмачи — Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги «Узсельхозхимия» бирлашмаси агросаноат комплекси йирик қурилишини технология, электр ва вентиляция ускуналари билан таъминлай олмаётир. Уларни етказиб бериш билан боғлиқ масалалар ҳанузгача ҳал этилмаган.

Сирдарёдаги 22-трестнинг 1985 йилги пудрат ишлари планига қурилиш тайёргарлиги 85—90 процентдан иборат битай деб турган объектлар киритилмай қолган. Бу қурилишларда 3.249 минг сўмлик иш бажарилиши лозим. Шунча маблағнинг ўзлаштирилиши қарийб 16 миллион сўмлик қурилиш товар маҳсулотини фойдаланишга топшириш имконини берарди. Бу эса трестнинг тахминан бир йиллик ишга тушириш программасига тенг.

Қурилиш самарадорлигини оширишнинг катта резерви ана шуларда яширинган. Афсуски, буюртмачилар бу ҳақиқатни четлаб ўтишяпти. Уларнинг истаги кўпинча бошқа мақсадга — тобора кўпроқ объектларни планга киритишга қаратилади. Қурилишларнинг қачон ва қандай тугалланиши эса бир гап бўлар, дея ўйлашади. Охир-оқибатда план органларининг қурилиш товар маҳсулоти ҳажмини нафақат пудрат ташкилотлари учун, балки буюртмачилар учун ҳам баҳоловчи кўрсаткич сифатида белгилаб қўйиши вақти келди. Фикримизча, амалдаги қонунларга буюртмачи-министрлик ва идораларнинг кўзланган объектни ўз вақтида ишга туширишдаги масъулиятини оширишга қаратилган қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ахир, ҳатто ишга тушириш буюртмачилар айби билан чўзилиб кетганда ҳам, банк кредитларидан фойдаланганлиг учун каттакатта процентларни барибир пудратчилар тўлайди.

Айтиб ўтилганидек, ниҳоясига етмаган қурилишлар пудрат ташкилотларнинг молиявий аҳволини кескин мураккаблаштиради. Қолаверса, кўплаб бўлинмаларимиз фойдаланишга топширилган ва тегишли равишда расмийлаштирилган қурилиш товар маҳсулоти учун узоқ муддат давомида ҳақ ололмайдилар. Фақат 1984 йилда буюртмачи министрлик ва идоралар 38 миллион сўмлик товар маҳсулоти учун ҳисобкитоб қилишмаган. Фақат Сирдарё областининг «Целинник», Жиззах областининг «Жиззах» паррандачилик фабрикалари бўйича топширилган қурилиш товар маҳсулоти учун «Узгоскомптицепром» пудратчиларга 4,9 миллион сўм миқдорида ҳақ тўламаган.

Бундай тартибсизлик кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши тўғрисида батафсил гапириб ўтиришга ҳожат йўқ. Бу бош пудратчиларнинг қурилиш материаллари ва конструкциялари етказиб берувчилар, ёрдамчи пудрат ташкилотларидан қарздор бўлиб қолиши, бюджетга тўловларнинг ўз вақтида ўтказилмаслиги, банк кредитларини муддатида тўлай олмаслигига сабаб бўлади. Айнан шунинг натижасида қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайтириш, фойда олиш, шахсий оборот воситаларининг сақланиши, моддий рағбатлантириш фондини вужудга келтиришда мураккаб аҳвол юз бермоқда.

К. МУСАЕВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги молия бошқармаси бошлиғи.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

◆ «Лейбур» ишлаб чиқариш бирлашмасининг нон маҳсулотлари Эстонияда машҳур. Бу корхона 1984 йилги Бутииттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб деб топилди, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланиб, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг «Ҳурмат тахтаси»га ёзилди.

Бирлашманинг 9 корхонасида ҳар куни 110 тонна маҳсулот тайёрланади. Ўн биринчи беш йилликнинг тўртинчи йилида пландан ташқари 3,2 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бундай муваффақиятга нон заводларини янги технология линиялари билан жиҳозлаш ҳисобига эришиляпти. Ёпилган нон маҳсулотларини жойларга узлуксиз етказиб бериш иши ҳам пухта ташкил этилган.

Яқинда Таллин шаҳрида янги новвойхона — магазин ишга туширилди. Бу ерда тандирдан чиққан нонни харид қилиш мумкин. Суратда: новвойлардан Л. Пярнасте (чапда) ва Т. Лео иш устида.



НАВБАТ — ИККИНЧИ БЛОККА

◆ Смоленск атом электр станциясида биринчи навбат иккинчи энергия блокини ишга туширишга тараддуд кўриляпти. Умумий қуввати 1 миллион киловаттли турбогенераторларини синаб кўриш ишлари бошланди. Марказий реактор залида эса ишлар ниҳоясига етказилмоқда. Назорат-ўлчов асбобларини созлаш ва уларни фойдаланувчиларга топшириш ишлари ҳам графикда бораётир.

Иккинчи энергия блокининг ишга туширилиши билан станциянинг қуввати икки ҳисса ортади. Бунёдкорлар ҳозир иншоотнинг иккинчи навбатини қуриш ишларини бошлаб юборишди.

Суратда: Смоленск атом электростанциясидаги мавжуд энергия блокининг марказий реактор зали.

ТАСС фотохроникаси.

● ЦИЛЬНА (Ульяновск области).

Ульяновск областининг Цильна районидаги «Алгаши» колхозида йиғувчилар ва созловчилар курси очилди. Бўлғуси мутахассислар ҳозир машинаускуналар монтаж қилинаётган янги цехда хизмат қиладилар. Бу ерда хўжалик В. И. Ленин номидаги Ульяновск автомобиль заводи билан тузган шартнома асосида УАЗ — 469 енгил вездеходлар учун бутловчи узел ва деталлар ишлаб чиқаришни ташкил этади. Районнинг бошқа бир қанча хўжаликларида ҳам ёрдамчи цехлар очилган. Бу эса мавсумлар ўртасида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлайди.

ТЎЙЛАРИМИЗ ФАЙЗИ

Халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошгани сари оила тантаналари, тўй-ҳашамлар кўпайиб бормоқда. Заррада қуёш акс этганидек, социалистик жамиятда инсон бахтсаодати тўғрисида қилинаётган чинакам ғамхўрликни ҳар бир совет оиласи тимсолида яққол кўриш мумкин.

Маҳалламизда 500 га яқин оила истиқомат қилади. Маҳалла комитетининг ўн бир аъзоси бўлиб, уларнинг ҳар бирига конкрет топшириқлар берилган ва кўчалар биркитиб қўйилган. Комитет ҳузурида еттита комиссия ва секция ишлаб турибди. Шулардан бири тўй ва маросимларни ўтказиш комиссиясидир. Область суди аъзоси Рўзимат Худойберганов раҳбарлигидаги бу комиссия аъзолари тўй ва бошқа маросимларда ўтказиш, янги анъаналарни турмушга татбиқ этиш соҳасида актив фаолият кўрсатишляпти. Маҳалла территориясида яшовчи 100 га яқин коммунист ва 350 дан ортиқ комсомолнинг ташкилотчилик ва тарбиявий ишларини олиб боришдаги ташаббускорлигини алоҳида қайд қилсак арзийди.

Бизда никоҳ тўйлари мазмунли, хушчақчақ ўтмоқда. Маҳалла активлари, коммунистлар ва халқ депутатлари, ҳурматли отахон ва онахонлар бу унутилмас кунда актив иштирок этишади. Таъбир жоиз бўлса, шу куни оила жамоатчилик кўригидан ўтади, оила аъзолари жамият олдидаги ўз бурчларини қандай оқлаётганлигига холис баҳо берилади. Самимий тилаклар изҳор этилади. Табрик сўзларида, қўшиқларда Ватан, халқ улуғланади. Дўстлик, муҳаббат ва садоқат тараннум этилади.

Маҳалла активларининг изчиллиги туфайли қалин ва бошқа эскилик сарқитлари йўқолиб бормоқда. Ортиқча дабдабабозлик ва исрофгарчиликка чек қўйилмоқда.

Эр-хотин инчи Курбонбой Оллоберганов билан Қаҳрамон она Чамангул Собирова оиласида бўлиб ўтган тўй одамларда яхши таассурот қолдирди. Меҳнаткаш, камтарин ота-она ўзларининг фарзандлари — экономист Йўлдош билан ўқитувчи Бекберганнинг тўйини хушчақчақ, дабдабасиз ва ортиқча харажатсиз ўтказишди. Келинлар — врач Замирахон ва ўқитувчи Дилбархоннинг дугоналари шеър, қўшиқлар айтиб, тўйга завқ бағишладилар. Маҳалла ҳаваскорлик ансамбли концерти катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Қурилиш комбинати мастери Собир Эшжонов ва пахтачилик тажриба станцияси ходими Ўғилжон Собирова ўзларининг уч фарзанди — слесарлар Ўктам ва Икром, депо машинисти Озодни уйлантириш тўйини янгича, сермазмун ўтказишди. Шу факт қувончлики, кейинги йилларда бўлиб ўтган тўйларда биронта ҳам кўнгилсизлик юз бермади. Энг муҳими, янги қурилган оилалар аҳил-иноқликда, ширин турмуш кечирмоқдалар.

Маҳалламизда янги урф-одатлар ва анъаналарни турмушга сингдириш борасида мунтазам иш олиб бормоқдамиз. Йигитларни Совет Армияси сафига қузатиш, пенсияга чиққан меҳнат ветеранини шарафлаш, йигит ва қизларга паспорт топшириш, наврўз байрамини ўтказиш, умумхалқ байрамларини нишонлаш одат тусига кирган. Бу йилги Наврўз байрами Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланди.

Улуғ Ватан уруши ветерани Абдулла Шеров бошчилигидаги оқсоқоллар кенгаши тўй ва маросимларни янгича ўтказишда бош-қош бўлмоқда. Давримизга ёт бўлган хурофий одатлар йўқолиб, тўйдан олдин ва кейин ўтказиладиган ҳар хил зиёфат ва базмларга, қимматбаҳо тўёналарга чек қўйилди.

Биз тарбиявий ишнинг таъсир кучини ҳалол яшаш ва софдил бўлишга, тартиб-интизомни мустаҳкамлашга қаратмоқдамиз. Тўйларни меҳнат шодиёнасига айлантириш ва манглай теридан тўпланган жамғарма пулни тежаб-тергаб сарфлаш ҳамиша диққат-эътиборимизда турибди.

Эътироф қилиш керакки, айрим кишилар тартиб-қонунни бузишга, шуҳрат учун дабдабали тўйлар ўтказишга ҳаракат қиладилар. Бундай пайтларда биз бутун жамоатчилик ёрдамида салбий фактларнинг олдини олишга қатъият билан ҳаракат қилмоқдамиз, кишилар онгига тарбиявий таъсир ўтказяпмиз.

Тўй — эзгу орзу ва мурод ушалиши, шодлик ва иқбол рамзи. Тўйларимиз совет турмуш тарзимизга ярашиб тушсин ва файзли ўтсин. Кишиларимиз қалбига олижаноб туйғу ва қувонч бахш этсин.

Эгам ИСКАНДАРОВ,
Урганч шаҳридаги 13-маҳалла комитети раиси.

Янги анъаналар — ҳаётга

Нафосат

Тошкентлик рассомлар Ниёзали Холматов билан Ғайрат Камоловнинг нафис ишланган асарлари москваликларни хушнуд этди. Ўзбекистон халқ амалий санъати бирлашмаси — «Усто» ижодхонасининг бу рассомлари Ватанимиз пойтахтидаги «Ўзбекистон» ресторани биноси ички деворларини 14 та миниатюра асари билан безашди. Алишер Навоий мадҳ этган «Етти гўзал» ёки халқ севган Хўжа Насриддинга бағишланган тасвирлар кўпчилик эътиборини жалб қилмоқда.

Суратларда: деворга ишланган миниатюра асарларидан намуналар.

О. АПУХТИН, автор фотоси.

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

Туташ тақдирлар

● Наби ака бугун ҳам ишга эрта отланди. У темир йўл станцияси томон ошиқмоқда. Ветеран темир йўлчи умрининг 30 йилини шу касбга бағишлаб келяпти. 1954 йили Қаршидаги темир йўлчилар билим юртини битириб, «Бухоро-1» станциясида иш бошлаганди. Бугунги кунда у поездлар тузиш пультини бошқаради.

— Ҳали сменани қабул қилишингизга бир соат бор-у, яна эрта келибсиз-да. Наби ака, — деди навбатчи Зокир Тошев салом-аликдан кейин.

— Ўзинг биласан-ку, мана шу темир йўлу вагонларни кўрмасам, туролмайман, — ҳазилга бурди Наби ака.

У фурсатдан фойдаланиб, шогирди З. Тошев бошчилигида ишлаётган смена аъзоларининг фаолияти билан танишиб чиқди. Айримларига маслаҳатлар берди. Темир йўлчилар ҳар дақиқадан самарали фойдаланиб, поездларнинг янги составини тузиш, вагонларнинг бекор туриб қолиш муддатини қамайтириш, тузилган поездларни жўнатиш пункта етказиб бериш каби жараёнларни пухта бажарардилар.

Наби Назаров — жонкуяр коммунист, ишга виждонан ёндашади. Муваффақиятларни кўпайтириш, ишлаб чиқаришда юксак сифат ва самарадорликка эришиш, шунингдек, иқтисод ва тежамкорликка қатъий амал қилиш каби муҳим соҳалар ветеран темир йўлчининг доим диққат-эътиборида туради.

У ўнлаб шогирдлар тайёрлади. Вагонларни ажратиш бўлими навбатчиси Зокир Тошев, поезд тузувчи Абдулазиз Қурбонов сингарилар ишлаб чиқаришда юксак натижаларга эришиб, ғолиблар сафидан ўрин оляптилар.

Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги ва стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб зафарлар билан кутиб олишга аҳд қилган станция коллективи шу кунларда зарбдор вахтада туриб меҳнат қилмоқда. Темир йўлчилар йиллик юк ташиш планини 23 декабрда, поездлар жўнатиш планини 28 декабрда бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириб, планга қўшимча таннархни 1 процентга камайтириш учун астойдил курашмоқдалар. Шунингдек, йил давомида 22 та рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилиб, ундан 28 минг сўмлик иқтисодий фойда олиш кўзда тутилган.

И. ҲОЖИЕВ,
Бухоро области.

Бинокорлар ғайрати

● Қизилтепа шаҳри марказида умумий майдони минг квадрат метр бўлган савдо маркази қурилиши кун сайин жадаллаштирилмоқда. «Ўзкоопстрой» трестининг Навоий область бўлими механизациялашган кўчма колоннасининг И. Адизов прораблик қилаётган участкаси бинокорларининг ғайрати билан бу ерда қисқа муддат ичида 186 минг сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

Аҳил коллектив аъзолари «Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига — 40 зарбдор ҳафта!» шиори остида меҳнат қилишяпти. Қурувчилардан Муҳиддин Қутлиев, Файзи Жўраев, Абдулла Файзиевлар кунлик нормаларини 120—130 процент бажариб, ўзаро социалистик мусобақада пешқадамлик қилишяпти.

Шаҳар бағридаги янги савдо марказини шу йилнинг сўнгги кварталида фойдаланишга топшириш мўлжалланяпти.

Б. ЭГАМОВ,
Навоий области.

Графиклан олдин

● Ленинск шаҳридаги трактор прицеплари заводининг подстанциясидан Чинобод посёлкасига қадар тортилган янги 22 километрли электр линияси Андижон ва Наманган областларини электрэнергияси билан таъминлаш пухталигини оширишга имкон берди.

110 киловольт кучланишли электр линияси икки областни энергия билан таъминлаш системаларини туташтирганлиги энергия энг кўп кетадиган дамларда уни янада оқилона ва самарали тақсимлаш имкониятини вужудга келтиради.

Электр линиясини «Ўзэлектросетьстрой» трестининг Андижон механизациялашган колоннаси коллективи қуриб, графиклан бир ой аввал ишга туширди.

(ЎзТАГ).

Шу кеча-кундузда ҳаво ўзгариб туради. Тоғли районларда ёмғир ёғиши кучаяди. Ғарбдан секундига 9—14, момақалдироқ пайтида шамол тезлигги 20 метргача етади. Кечаси 9—14, кундузи 17 — 22 даража иссиқ бўлади. Сурхондарё областида ҳарорат 26 даражагача кўтарилади. Қорақалпоғистон АССРда кечаси 7-12, кундузи 12-17 даража иссиқ бўлади.

Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 9— 14, момақалдироқ пайтида 15 — 20 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 12— 14, кундузи 20 — 22 даража иссиқ бўлади.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ АДАБИЁТ ВА САНЪАТ НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ ЧОП ЭТДИ:

Икром АКБАРОВ. Жўрсиз хор асарлар. Тўплам. 72 бет. Баҳоси 60 тийин.

А-капелла учун ёзилган бу китобда хор қўшиқлари ва музикалари жамланган. Текстлар ўзбек ва рус тилларида берилган.

АВТОРЛАР КОЛЛЕКТИВИ. Сўнгги аждарнинг ҳалокати. Фантастик ҳикоялар. Тўплам. 288 бет. Баҳоси 1 сўм.

Тўплам китобхонларни Ўзбекистонда яшаб ижод қилаётган ёзувчиларнинг фантастик ҳикоялари билан таништиради.

Ў. САДИРОВ, М. ТОШПЎЛАТОВ. Бахт юлдузи. Қисса ва ҳикоялар. 192 бет. Баҳоси 65 тийин.

Тўплам пахтакорлар меҳнати, болаликнинг мусаффо туйғулари, ёшларнинг ўй ва интилишлари ҳақидадир.

Хайриддин САЛОҲ. Лирика ва достонлар. 272 бет. Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Тўплам шоир меросининг анча мукаммал мажмуаси бўлиб, ўндан шеър ва достонлари ўрин олган.

Минҳожиддин ҲАЙДАР. Шеърлар. 112 бет. Баҳоси 45 тийин.

Тўпламдаги шеърларда ер ва осмон, инсон ва табиат тинчлик тараннум этилади.

Редактор
Л. ҚАЮМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

6 АПРЕЛЬ, ШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — «Время». 9.35 — «Ғалаба стратегияси». Телефильм. 6-фильм. 10.35 — «Ўртоқ қўшиқ». Тошкентдан олиб кўрсатилади. 11.10 — «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.40 — «Истамбулга борадиган экспресс». Бадиий фильм. 4-серия. 12.35 — Телефильм. 13.00 — Ўсимликлар дунёси. 13.50 — Сизга маҳсус адабиётлар. 14.35 — «Оила ва мактаб». 15.05 — «Камалак». 15.30 — «Дунё воқеалари». 15.45 — В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари. 16.45 — Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 17.15 — Мультфильм. 17.25 — «Мўъжизасиз мўъжизалар». 18.25 — Ю. А. Жуков суҳбати. 18.55 — «Оиласиз». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялари. 21.30 — «Время». 22.05 — Артист Е. Гоголёва ўқийди. 22.40 — Концерт. 23.25 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.25 — Карелия телевидениесининг программаси. 10.05 — Телефильм. 10.25— «Саёҳатчилар клуби». 11.25 — «Тонгги почта». 11.55 — Ерда, самода ва денгизда. 12.25 — «Театр ва давр». 13.30 — «Тайга шамоллари». Бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар. 16.00 — Концерт. 17.15 — Кинопанорама. 18.45 — «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». 19.25 — Халқаро обзор. 19.40 — Концерт. 20.30 — «Хайрли тун, кичкинтойлар». 20.45 — «Здоровье». 21.30 — «Время». 22.05 — «Любочка». Бадиий фильм. 23.15 — Ҳужжатли фильмлар.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Ахборот». 10.25 — Телефильм. 10.35 — «Ўртоқ қўшиқ». 11.10 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 11.55 — «Хайрлашув кечаси». Спектакль. 13.25 — «Санъат гунчалари». 13.55 — «Афсонага айланган қиз». Бадиий фильм. 1-серия. 17.00 — Футбол. «Пахтакор» — «Крылья Советов». 18.50 — Инсон болаликдан бошланади. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Жаҳон саломатлик кунига. 20.00 — Санъат музейи заллари бўйлаб. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 Республика комсомолининг 60 йиллигига бағишланган Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг тантанали пленуми.

Тожикистон телевидениесининг программаси.

РАДИО

6 АПРЕЛЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Концерт. 9.30 — Бадиий ҳаваскорларнинг чиқиши. 10.15 — «Дугоналар». 11.30 — Болалар учун эшиттириш. 12.00 — Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. 13.00 — «Чорвадор». 13.30 — Хатларингизни ўқиб. 14.00— Қишлоқ меҳнаткашлари учун эшиттириш. 15.40 — Юмористик эшиттириш. 16.30 — «Жонажон табиат». 17.00 — Ешлар учун музикали соат. 18.15 — Халқаро кундалик. 18.30 — Футбол. «Пахтакор» — «Крылья Советов». 18.45 — Спорт эшиттириши. 19.25 — «Ешлик». 20.50 — Республика комсомолининг 60 йиллигига бағишланган Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг тантанали пленуми ҳақида репортаж. 22.30 — Дуторчи қизлар ансамблининг концерти. 23.30 — Дам олиш концерти.

1966 ЙИЛГИ 3 ПРОЦЕНТЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ 150-ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

БУ ТИРАЖ 1985 ЙИЛ 30 МАРТДА ПЕРМЬ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛДИ.

Заёмнинг ҳамма бир юз бир разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
100049	1—50	100	135507	23*)	500	169226	22*)	500
100709	18*)	1000	136093	08*)	500	170316	1—50	100
101394	38*)	500	136254	31*)	500	170436	1—50	40
102567	22*)	500	137058	17*)	500	170640	08*)	1000
102587	31*)	500	137537	18*)	500	171084	10*)	500
103430	1—50	100	138747	1—50	100	171086	1—50	40
103673	36*)	500	140105	43*)	500	171616	24*)	500
104314	1—50	100	140421	43*)	1000	171732	33*)	500
104645	36*)	500	140437	48*)	500	172376	1—50	40
104759	24*)	500	142027	17*)	500	172765	29*)	500
104777	1—50	100	142535	33*)	500	173136	02*)	500
104853	1—50	40	142798	43*)	500	173255	1—50	40
106633	07*)	1000	143229	30*)	500	173463	47*)	500
106709	50*)	500	144064	34*)	500	175126	1—50	40
106873	40*)	1000	145083	04*)	1000	175216	44*)	500
106937	1—50	40	145127	01*)	500	175264	31*)	500
107213	22*)	500	145536	38*)	5000	175504	40*)	500
107288	03*)	500	145900	32*)	500	175907	43*)	500
107613	1—50	100	146332	29*)	500	176050	1—50	40
108414	1—50	40	146792	06*)	500	176257	27*)	500
108624	01*)	500	146928	07*)	500	176273	09*)	500
109100	1—50	40	146953	1—50	100	176359	41*)	1000
109367	1—50	40	147169	25*)	500	176810	13*)	2500
110007	1—50	40	148028	17*)	500	179548	1—50	40
111063	16*)	1000	148900	46*)	500	181167	40*)	500
111304	1—50	40	148967	22*)	500	181299	1—50	40
111500	46*)	500	149098	24*)	500	181615	44*)	500
111791	12*)	500	149395	24*)	500	182169	1—50	40
112012	1—50	100	149604	27*)	500	182296	07*)	2500
112550	1—50	40	149873	40*)	500	183028	1—50	40
112934	07*)	500	150019	35*)	500	183912	30*)	500
114213	28*)	500	150807	13*)	1000	185487	40*)	500
114881	35*)	500	151607	09*)	500	185737	1—50	40
114893	1—50	40	152239	27*)	500	186633	38*)	500
115038	46*)	500	152752	07*)	1000	186695	1—50	40
115148	11*)	500	153268	20*)	500	186895	19*)	500
116303	38*)	500	153288	48*)	500	187525	1—50	40
117040	1—50	40	154174	1—50	40	187768	11*)	500
117630	19*)	500	154254	1—50	40	187912	08*)	500
120031	1—50	40	155934	13*)	500	188989	31*)	500
120865	48*)	500	155988	01*)	500	189174	1—50	40
121001	08*)	500	156433	45*)	500	190506	48*)	500
125014	15*)	500	156610	44*)	1000	190779	50*)	2500
127137	38*)	500	157311	40*)	1000	191961	45*)	500
127156	1—50	100	157567	07*)	500	192092	1—50	100
127650	27*)	2500	157658	18*)	2500	192212	36*)	500
127656	03*)	1000	157673	27*)	500	193574	43*)	500
128386	11*)	1000	158323	33*)	500	195031	1—50	100
128771	30*)	500	158534	1—50	40	195245	35*)	5000
129186	35*)	500	160438	27*)	500	195594	50*)	1000
130111	27*)	500	162023	1—50	40	195751	28*)	500
130401	16*)	1000	162368	38*)	500	196334	22*)	500
130420	1—50	100	162945	1—50	40	196387	48*)	1000
130626	1—50	100	163419	17*)	1000	196783	34*)	500
130678	38*)	500	163697	1—50	40	198124	43*)	500
131693	1—50	40	164286	49*)	500	198272	27*)	500
132242	12*)	500	164752	36*)	500	198491	29*)	500
132475	1—50	40	166730	1—50	40	198649	19*)	500
133101	47*)	500	166910	1—50	40	199212	32*)	1000
133429	31*)	500	168348	38*)	500	199275	1—50	40
133633	1—50	40	168372	34*)	500	199480	06*)	1000
133677	01*)	500	168474	1—50	100	199942	16*)	500
134422	28*)	500	168722	39*)	500			

Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 49 номерига 40 сўмдан ютуқ чиқди.

1982 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚЛИ ЗАЕМИ 26-ТИРАЖИНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

БУ ТИРАЖ 1985 ЙИЛ 30 МАРТДА ПЕРМЬ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛДИ.

Заёмнинг ўн уч разрядидаги серия ва облигацияларнинг қуйидаги номерларига ютуқлар чиқди.

серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	серия номерлари	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
200652	066*)	500	238033	063*)	2500	272096	1—100	250
200804	060*)	1000	239186	033*)	2500	272629	018*)	500
200810	1—100	100	239247	094*)	500	272695	017*)	2500
200947	1—100	100	239527	052*)	1000	272792	060*)	2500
201976	044*)	500	239771	1—100	100	272846	053*)	5000
202829	003*)	1000	239800	1—100	100	273294	042*)	5000
203531	1—100	100	240492	024*)	500	274529	081*)	1000
203714	1—100	500	241025	024*)	500	274860	069*)	1000
204099	035*)	1000	241755	006*)	1000	275243	1—100	250
204593	054*)	1000	242021	1—100	100	275666	1—100	100
205207	043*)	1000	242160	045*)	500	275830	057*)	2500
205531	044*)	500	243199	1—100	100	276997	1—100	250
205667	1—100	100	243929	1—100	500	277009	029*)	500
206196	070*)	2500	244281	1—100	100	277671	085*)	1000
206808	005*)	5000	244804	1—100	250	277845	005*)	1000
207368	086*)	500	245296	057*)	1000	278356	051*)	500
208096	092*)	500	245358	1—100	100	278832	035*)	500
208523	1—100	100	245778	1—100	250	278858	002*)	1000
208578	045*)	500	247352	080*)	2500	278908	096*)	500
208820	1—100	100	247528	077*)	2500	280026	1—100	100
209031	031*)	1000	247563	098*)	1000	280749	014*)	1000
209526	043*)	2500	247833	002*)	1000	281148	050*)	2500
209572	073*)	1000	247903	086*)	1000	281438	092*)	500
209580	085*)	500	248317	072*)	500	281981	075*)	500
209922	038*)	1000	249201	1—100	100	282151	1—100	100
210624	1—100	100	249383	038*)	500	283953	070*)	500
211450	079*)	500	249504	097*)	500	284508	1—100	100
212438	082*)	2500	250048	076*)	1000	285171	099*)	500
213627	089*)	500	250054	018*)	500	285608	1—100	100
214947	1—100	100	251260	043*)	1000	285921	003*)	1000
215252	084*)	1000	252258	1—100	250	286104	1—100	250
216959	020*)	500	252274	053*)	1000	286143	017*)	1000
217074	1—100	250	252700	1—100	100	286236	025*)	500
217106	092*)	1000	253913	1—100	250	286507	002*)	1000
217153	1—100	250	254021	023*)	500	286578	096*)	500
219413	1—100	100	254079	078*)	5000	287878	1—100	100
219534	1—100	100	256303	076*)	1000	288056	097*)	500
219697	002*)	1000	256979	1—100	250	288545	018*)	500
220150	1—100	250	258159	002*)	1000	288855	064*)	1000
220194	1—100	100	258803	1—100	250	289063	1—100	250
220571	1—100	250	259194	091*)	500	289501	1—100	100
222039	1—100	100	259724	1—100	250	289725	056*)	2500
222731	099*)	1000	260559	053*)	10000	289726	030*)	1000
222948	058*)	1000	261073	002*)	1000	290064	1—100	100
223660	012*)	2500	261219	030*)	1000	290190	090*)	2500
224008	083*)	1000	261246	045*)	1000	290659	1—100	100
224362	1—100	250	261253	1—100	100	292218	025*)	1000
224438	014*)	5000	261733	1—100	100	292634	032*)	500
225733	1—100	100	263517	1—100	250	293143	1—100	100
226660	1—100	250	264011	055*)	1000	293509	019*)	500
227702	077*)	1000	264621	1—100	100	293577	047*)	1000
227870	006*)	1000	264767	081*)	2500	293843	045*)	1000
228094	1—100	100	265099	1—100	250	295101	010*)	500
230290	034*)	500	265745	057*)	500	295266	1—100	100
230572	080*)	1000	266062	1—100	100	295385	045*)	2500
231608	052*)	2500	266942	1—100	250	295774	070*)	500
232795	065*)	500	267552	1—100	250	296301	010*)	1000
233400	017*)	500	267912	1—100	100	296387	029*)	1000
233783	1—100	100	268092	072*)	2500	296555	074*)	2500
234072	007*)	500	268217	095*)	1000	296699	1—100	250
234650	089*)	500	268352	022*)	500	297621	1—100	250
234997	063*)	500	268978	1—100	100	298016	053*)	500
235256	055*)	500	269513	1—100	100	298333	016*)	1000
236677	073*)	500	269727	1—100	250	298496	074*)	1000
236698	042*)	1000	270801	089*)	1000	298847	1—100	100
236752	011*)	500	270887	048*)	500	299251	061*)	2500
237379	004*)	1000	271183	055*)	1000			

Шу сериядаги облигацияларнинг қолган 99 номерига 100 сўмдан ютуқ чиқди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш бўйича комиссиянинг раиси халқ депутатлари Пермь шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари В. М. НОСОВ.

Комиссиянинг масъул секретари — Л. П. ЕСИНА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

9 апрелдан бошлаб

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

Р. АКОПЯН

ИШТИРОКИДА

«ЦИРК, ЦИРК, ЦИРК»

икки бўлимдан иборат

КАТТА РАНГ-БАРАНГ ПРОГРАММА.

ТОМОШАЛАР КЎРСАТИШ ПАЙТИДА ТОМОШАБИНЛАР УЧУН ҚАТОР ВА ЎРИН ЮТУҚЛАРИ ЎЙНАЛАДИ.

Томошалар соат 19.30 да, шанба кунлари эса 16.00 ва 19.00 да; якшанба кунлари 12.00, 15.00 ва 18.00 да бошланади.

Коллектив бўлиб кўриш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

Касса 10.00 дан 20.00 гача ишлайди.

**Олдиндан билет соти